



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 8 апрель, № 71 (8966)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 апрель куни Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси доирасида бир қатор парламентлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашув ўтказди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Россия делегациясига раҳбарлик қилаётган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенкони қабул қилди.

Кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Парламентлараро алоқалар самарали бўлаётгани юксак баҳоланди. Олий даражада эришилган келишув-

кистон етакчисига Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги дўстлик, стратегик ше-



гуманитар тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Эришилган келишувлар ижросини назорат қилиш ва бўлажак олий даражадаги саммитлар учун янги таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида парламент-

лар ўртасида яқин амалий ҳамкорликни ва фаол алмашинувларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши Раиси Наталья Кочанова билан уч-

рашувда кўп қиррали Ўзбекистон — Беларусь муносабатларини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).



Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Валентина Матвиенкони таваллуд куни билан самимий табриклар, «савдо урушлари», терроризм ва катта муваффақиятлар тилади.

Федерация Кенгаши Раиси Ўзбекистон етакчисига самимий миннатдорлик билдириб, Россия Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги

лар ижроси устидан парламент назорати бўйича фаол ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Савдо-иқтисодий шериклик суръатини таъминлаш, саноат кооперацияси лойиҳалари ва гуманитар алмашинув дастурларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Соҳиба Гафарова учрашув аввалида Ўзбе-

риклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Иқтисодий ҳамкорлик йили доирасида биргаликда самарали ишлар амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперация лойиҳалари фаол паллага кирган. Маданий-



ВЬЕТНАМ БИЛАН АМАЛИЙ ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 апрель куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Вьетнам Миллий мажлиси Раиси Чан Тхань Ман бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Сўхбат аввалида делегация раҳбари Ўзбекистон етакчисига Вьетнам Коммунистик партияси Бош котиби То Лам, Президенти Луонг Куонг ва Бош вазир Фам Минь Тиннинг саломини етказди.

Ўзбекистонга хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни, энг аввало, савдо-иқтисодиёт ва инвестиция соҳаларида янада ривожлантириш масалалари батафсил кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

КўП ҚИРРАЛИ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ МУНОСАБАТЛАР БАРДАВОМ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 апрель куни Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Сўзининг аввалида Президентимиз сўнгги йилларда дунёнинг турли минтақаларида тўқнашувлар, экологик ва техноген фожиалар, иқтисодий инқирозлар, «савдо урушлари», терроризм ва экстремизм таҳдидлари тобора кучайиб бораётганини қайд этди.

Бундай ўта мураккаб шароитда жаҳонда тинчликни сақлаш, ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда парламентлар иштироки ва таъсирини оширишни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Вакиллик дипломатиясини амалга ошириш, долзарб масалаларни халқлар ва давлатларнинг умумий манфаатлари асосида тизимли ҳал этишда Пар-

ламентлараро Иттифоқ нуфузли ва энг йирик кўп томонлама институтга айланишини алоҳида таъкидламоқчиман, — деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимиз етакчиси ўз нутқида айни пайтда мамлакатда қўли ва масъулиятли парламентни барпо этиш, самарали парламент дипломатиясини татбиқ қилиш учун кенг шароитлар яратиб берилаётгани, жумладан, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида парламент институтини ривожлантириш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Кейинги йилларда қўнун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрнини оширишга қаратилган йиғирмадан зийёд қўнунлар қабул қилинди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ 150-АССАМБЛЕЯСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Тулия Эксон Хоним олиялари!

Ҳурматли Мартин Чунгонг Жаноби олийлари!

Ҳурматли парламентлар раҳбарлари ва аъзолари!

Хонимлар ва жаноблар!

Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясида иштирок этиш учун дунёнинг барча қитъаларидан келган нуфузли делегацияларни Ўзбекистон заминида самимий қутлашдан гоёат хурсандман.

Ўз сафида 181 та миллий парламент ва 15 та минтақавий уюшмани бирлаштирган Иттифоқнинг ассамблеяси илк марта Марказий Осиё минтақасида бўлиб ўтмоқда. Анжуманнинг азим пойтахтимиз — Тошкент шаҳрида ўтказилаётгани бизга улкан ифтихор бағишлайди.

Бундай юксак ишонч ва эҳтиромни биз юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар, парламентаризм ва вакиллик ҳокимиятини ривожлантириш борасида эришилаётган катта натижаларнинг эътирофи, деб қабул қиламиз.

Мен ҳам 15 йил давомида парламент аъзоси бўлганман. Дунёни тинч-осойишта, жамиятларни янада фаровон қилишга қаратилган олийжаноб фаолиятингиз нақадар масъулиятли эканини яхши биламан ва тушунаман.

Сизлар — бамисоли халқларни бири-бирига боғловчи мустаҳкам дўстлик кўпригисиз. Сизлар — одамларнинг дард ташвиши ва муаммоларини энг қўйи тизимдан бошлаб, керак бўлса, минтақавий ва халқаро миқёсга олиб чиқишга, улларга самарали ечим топишга қодир бўлган қудратли кучсизлар.

Албатта, сизлар ўз халқларингизнинг хоҳиш-иродасини намоён этиб, миллий тараққиёт моделларини ишлаб чиқишда, замонавий хавф-хатарларга муносиб жавоб беришда катта роль ўйнамоқдасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Парламентлараро Иттифоқ раҳбариятига, ташкилотга аъзо ва қузатувчи давлатларнинг қўнунчилик органлари ҳамда халқаро парламент уюшмалари вакилларига чин дилдан самимий ташаккур изҳор этаман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Ҳурматли ассамблея иштирокчилари! Сир эмас, сўнгги йилларда дунёнинг турли минтақаларида қуролли тўқнашувлар, экологик ва техноген фожиалар, иқтисодий инқирозлар, «савдо урушлари», терроризм ва экстремизм таҳдидлари тобора кучайиб бормоқда. Бундай

ўта мураккаб шароитда жаҳонда тинчликни сақлаш, ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлашда парламентлар иштироки ва таъсирини оширишни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Вакиллик дипломатиясини амалга ошириш, долзарб масалаларни халқлар ва давлатларнинг умумий манфаатлари асосида тизимли ҳал этишда Парламентлараро Иттифоқ нуфузли ва энг йирик кўп томонлама институтга айланишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Иттифоқнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига доимий қузатувчи макорига эга экани унинг глобал барқарорлик ва ҳамжиҳатликка қўшаётган ҳиссасининг ифодасидир. Бугунги анжуманда 140 га яқин давлатлардан 2 мингдан зийёд иштирокчилар қатнашаётгани ҳам фикримнинг ёрқин далилидир.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ 150-АССАМБЛЕЯСИДАГИ НУТҚИ

 Бизнинг ташаббусимиз билан ассамблея «Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати» мавзусида ўтказилаётгани албатта чуқур рамзий маънога эга.

Таҳлилларга кўра сўнгги ўттиз йилда жаҳон янги ички маҳсулоти ҳажми 4, 5 баробарга ортган. Лекин, афсуски, инсониятнинг камбағал қатламлари даромадлари деярли ўзгармаган. Агар бу тенденция сақланиб қолса, 2030 йилга бориб дунё аҳолисининг 575 миллион нафари қашшоқликда умр кечиради. 84 миллион бола эса таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳолат иқтисодиёт ва жамиятга катта зарар етказadi, ижтимоий-иқтисодий институтлар фаолиятини заифлаштиради, пировард натижада одамларнинг имкониятларини келайди.

Албатта, бундай тенгсизликнинг асл сабабларини аниқлаш ва унинг оқибатларига қарши курашиш барчамизнинг асосий вазифамиздир.

Ишонаман, ушбу йўналишда давлатларнинг вакиллик органлари ўртасида кўп қиррали ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ва янада кенгайтириш умумий тараққиётимизга муносиб хисса қўшади.

Бу борада парламентлар энг яхши анъана ва илгор тажрибаларни ишга солиш ва алмашиш, ўзаро сaъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда бор интеллектуал салоҳияти ва кучини тўлиқ сафарбар қилишга умид қиламан.

Барчангизга ана шундай шарафли ишда улкан ютуқ ва омадлар тилайман.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари ва аъзолари!

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон ортга қайтмас демократик ислохотлар ва прагматик ташқи сиёсат йўлидан дадил қадам босиб, дунё ҳамжамияти билан очик ва жадал мулоқот олиб бормоқда.

Биз мамлакатимизда кучли ва масъулиятли парламентни барпо этиш, самарали парламент дипломатиясини татбиқ қилиш учун кенг ша роитлар яратяптимиз.

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида парламент институтини ривожлантиришни муҳим вазифа сифатида алоҳида белгиладик. Сўнгги йилларда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрнини оширишга қаратилган 20 дан зиёд қонунлар қабул қилинди.

Айниқса, 2023 йили умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги Конституцияда парламент ваколатлари кескин оширилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари 5 тадан 12 тага, Сенат ваколатлари эса 14 тадан 18 тага етказилди. Суд, коррупцияга қарши кураш ва рақобат органларини шакллантириш бўйича Президентнинг қатор ваколатлари қонун чиқарувчи ҳокимиятга ўтказилди. Парламентнинг Ҳукуматни шакллантиришдаги иштироки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан назорат механизмлари янада кучайтирилди.

Бу ўзгаришларга мос тарзда ҳудудларимизда ҳам халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ваколатлари кенгайтирилди. Жумладан, 30 дан ортиқ ваколатлар маҳаллий Кенгашларга ўтказилди ва бу жараёнлар изчил давом эттирилмоқда.

Миллий парламентиимизда хотин-қизларнинг улуши бугунги кунда 38 фоизга етди. Мазкур кўрсаткич Парламентлараро Иттифоқ томонидан юксак эътироф этилиб, Осиё минтақасида сўнгги ўттиз йилда энг юқори ўсиш сифатида баҳолангани бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Бундан ташқари, 2021 йилда Олий Мажлис палаталари қошида илк бор ёшлар парламентлари фаолияти йўлга қўйилди.

Айни пайтда миллий парламентиимиз 100 га яқин хорижий ҳамкорлари билан яқин алоқалар ўрнатган. 80 та қўшма дўстлик гуруҳлари ва комиссиялари самарали ишлаяпти.

Ўзбекистон парламент йўналишида глобал аҳамиятга молик бўлган қатор халқаро ташаббусларни илгари суриб келмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг «Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида»ги резолюцияси қабул қилинди.

Иттифоқ билан ҳамкорликда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун ҳар икки йилда Парламентлараро глобал ҳамкорлик форуми ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон вакиллари Осиё Парламентлари Ассамблеяси, Марказий Осиё парламентлари форуми, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси ва бошқа платформаларда фаол иштирок этмоқда.

Умуман, бугунги кунда вакиллик органларимиз Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя ва камбағалликни қисқартириш, гендер тенгликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳам ўз зиммасига катта масъулият олган.

Ушбу эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун парламентиимизда етарли салоҳият, юксак тафаккур ва бой тажрибага эга, сайловчиларнинг мустаҳкам ишончини қозонган қонуняр ва фидойи халқ ноиблари фаолият юритмоқда.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Жаҳонда ўз бераётган бугунги глобал ўзгаришлар Парламентлараро Иттифоқ ва миллий парламентларимиз олдига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ушбу Ташкилотнинг тўлақонли аъзоси сифатида унинг барча тузилма ва форумлари ишида фаол иштирок этиб келмоқда. Глобал кун тартибидagi усту-

вор йўналишлар бўйича سرماҳсул амалий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

Ижозатингиз билан куйидаги масалаларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи. Жаҳоннинг турли минтақаларидаги низолар глобал ва минтакавий тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда.

Ўзбекистон ҳар қандай зиддият ва қарамақаршиликларни фақат дипломатия ва тинч музокаралар йўли билан ҳал этишнинг қатъий тарафдори эканини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Умид қиламизки, Украина атрофидаги вазият бўйича бошланган музокаралар жараёни ўзининг ижобий натижасини беради.

Энг оғриқли муаммоларга халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф тизмин меъёрлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва резолюциялари асосида ечим топиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, Фаластин — Исроил низосининг яғона ва адолатли ечими «икки халқ учун — икки давлат» тамойилини рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Бизга қўшни бўлган Афғонистон ҳақида тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Ушбу мамлакатнинг халқаро майдонда яқалланиб қолишига йўл қўймаслик, амалдаги ҳукумат билан конструктив мулоқот ўрнатиш, Афғонистонга Марказий Осиё минтақасининг ажралмас қисми ва янги имкониятлар макони сифатида қараш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу борада парламентларнинг кўмағига ишонамиз.

Умуман олганда, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотини универсал ва муқобили йўқ яғона глобал тузилма сифатида эътироф этади. Биз бу борада Бош котиб Антониу Гутерришнинг мазкур халқаро ташкилотни чуқур изоҳ қилиш, унинг салоҳиятини ошириш бўйича олиб бораётган тизимли сaъй-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Шу билан бирга, Евроосиё гуруҳининг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган баёнтотини тўла олкшайимиз.

Иккинчи. Давримизнинг ўткир муаммосига айланган, сайёрамиз тараққиётга жиддий тўсиқ бўлаётган иқлим ўзгаришлари доимо диққатимиз марказида бўлиши керак. Чунки унинг аянчли оқибатлари, энг аввало, ривожланаётган мамлакатларга кучли таъсир кўрсатмоқда.

Париж битими доирасида ва углерод нейтраллигига эришиш борасида ўз зиммамизга олган мажбуриятларни тўлиқ баҳариш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Бу масалаларни ақинда Самарқанда бўлиб ўтган халқаро иқлим форумида ҳам атрофлича муҳокама қилдик.

Давлатларнинг иқлим сиёсати бўйича илгор ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, қайта тикланадиган энергия манбалари ва «яшил» технологияларга ўтишни рағбатлантириш парламентларнинг муҳим вазифасига айланса, албатта, салмокли ютуқларга эришамиз.

Иқлим ўзгариши мавзуси ассамблеянинг кун тартибидaги бош масалалардан бири сифатида доимий ўрин олиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Учинчи. Хотин-қизлар ҳуқуқларини қатъий қарор топтириш ижтимоий тараққиётнинг асосий шартларидан биридир.

Таҳлилларга кўра иқтисодиётнинг барча тармокларида аёлларнинг эркаклар билан тенг иш-тироки таъминланса, жаҳон янги ички маҳсулоти ҳажми 26 фоизга ўсади. Дунё миқёсида аёл депутатларнинг улуши 1995 йилдаги 11, 3 фoиздан жорий йилга келиб 27, 2 фоизга кўтарилгани албатта қувонарли ҳолдир.

Жамият бошқарувида аёллар фаоллигини қўллаб-қувватлаш бўйича таъсирчан чоралар ёрдамида, ҳеч шубҳасиз, янги натижаларга эришамиз.

Сўнгги йилларда юртимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти институтлари ва Парламентлараро Иттифоқ билан ҳамкорликда Осиё хотин-қизлар форуми ва Жаҳон парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити самарали ўтказилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Шу боис бизнинг ташаббусимиз билан илгари сурилаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг «Осиё хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар фаоллигини ошириш тўғрисида»ги резолюциясини қўллаб-қувватлашингизга умид қиламан.

Тўртинчи. Ёшларнинг парламент фаолияти билан бир қаторда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тўлақонли иштирок этиши учун уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ўта долзарб масаладир.

Парламентлар учун янги авлодни тарбиялаш, бу борада самарали халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш келажагимизнинг муҳим омилдир. Шу боис миллий парламентлар ҳамда Иттифоқ фаолиятига ёшларни фаол жалб этиб, доимий мулоқотни кучайтириш зарур, деб ўйлайман. Бу борада Парламентлараро Иттифоқ тизими доирасида Ёшлар парламентлари глобал платформасини ташкил этиш ва унинг таъсис форумини Ўзбекистонда ўтказишни таклиф қиламан.

Бешинчи. Ҳар бир инсоннинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, халқаро стандарт ва меъёрлар асосида сифатли хизматлар кўрсатиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масаладир.

Биз Ўзбекистонни ижтимоий давлат, деб эълон қилиб, аҳолининг ҳар томонлама ҳимоясини таъминлашни сиёсатимизнинг устувор йўналиши этиб белгиладик. «Камбағалликдан

фаровонлик сари» дастурини амалга оширяпмиз.

Охирги саккиз йилда 7 миллиондан зиёд аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, унинг даражаси 35 фoиздан 8, 9 фoизга туширилди. Жорий йилда бу кўрсаткични 6 фoизга пасайтиришни мақсад қилганмиз.

Шу йил сентябрь ойида юртимизда бўлиб ўтадиган камбағалликни қисқартиришга бағишланган халқаро конференция ишида давлатларингиз парламентлари вакилларини фаол иштирок этиш учун таклиф қиламиз.

Яна бир муҳим масала. Ҳозирги кунда барча жабҳаларга кенг кириб келаётган сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорликни кучайтиришни бугунги замоннинг ўзи биздан талаб этмоқда.

Сунъий интеллектдан фойдаланиш этикаси бўйича модель қонун ишлаб чиқилса, ушбу инновациян ҳуқуқий асос дунё миқёсида тез ривожланаётган ушбу соҳани самарали тартибга солишда барча давлатлар учун ўзига хос намуна бўлар эди.

Ҳурматли парламентлар раҳбарлари ва аъзолари!

Бизнинг барча таклиф ва ташаббусларимиз Парламентлараро Иттифоқнинг Стратегияси мақсадларига тўла мос экани билан аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, ёндашувларимиз бугунги тарихий ассамблея яқнларни бўйича қабул қилинадиган Тошкент декларациясида ҳам ўз ифодасини топади, деб ишонаман.

Албатта, дунёдаги ҳар бир давлат ва жамият фақат кўплаб қонун ёки қарорлар қабул қилиш билан ривожлана олмайди. Барчамиз бу йўлда бирлашиб, қонун ижодкорлиги руҳини кучайтириб, бор билим ва тажрибамизни яғона мақсад сари сафарбар этиш орқали умумий мақсади-мизга эриша оламиз.

Ассамблея доирасида ўтаётган 70 га яқин турли тадбир ва дебатларда парламентлар олдида турган энг асосий вазифалар юзасидан атрофлича фикр алмашилади ҳамда истиқболли режалар белгилаб олинади, деб ишонаман.

Қабул қилинадиган барча қарорлар эса кўп қиррали ва узоқ мuddатли ҳамкорлигимиз тарихида янги саҳифа очади.

Азиз дўстлар! Халқаро ҳамжамиятнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, ижтимоий адолат ва тенгликни таъминлаш ҳамда юксак демократик кадриятлари илгари суриш йўлидаги эзгу фаолиятингизда барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва туганмас куч-ғайрат ёр бўлсин!

Ассамблея ишига катта ютуқ ва муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ПАРЛАМЕНТАРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Учрашув аввалида Беларусь делегацияси раҳбари Ўзбекистон етакчисига Президент Александр Лукашенконинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Товар айирбошлаш ҳажми жадал ортиб бораётгани, саноат ва қишлоқ ҳўжалигида кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилаётгани, ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорлик самарали бўлаётгани, маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Фаол парламентлараро мулоқотни давом эттириш, шу жумладан, олий даражада эришилган келишувларнинг парламент назоратини таъминлаш ва ўз вақтида бажарилишига кўмаклашиш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеясида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Марказий Осиё мамлакатлари парламентлари делегациялари раҳбарларини қабул қилди.

Қўшма учрашувда Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Ерлан Қoшанов, Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеши Тoрағаси Нурулaнбек Тўрғунбек ўғли, Тўрқистон Республикаси Мажлиси номояндагон Мажлиси Оли Раиси Файзали Идизода ва Туркменистон Мажлиси Раиси Дунёғўзал Гулманова иштирок этди.

Юқори мартабали меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Президентига ўз мамлакатлари етакчиларининг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказдилар, минтақамизда илк бор ўтказилаётган ушбу халқаро тадбирнинг аҳамиятини алоҳида таъкидладилар.

Қардош мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

4 апрель куни Самарқанд шаҳрида ўтган «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи саммити ва Иқлим форумининг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Олий ва юқори даражадаги фаол мулоқотлар алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Яқинда минтақада ўтказилган учрашувлар, жумладан, чегараларни демаритация қилиш масалалари тўлиқ тартибга солингани ҳамда Ҳўждан шаҳрида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартнома имзолангани тарихий аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Кейинги йилларда минтақа мамлакат-

лари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми кўп қарра ошди, чегараолди савдо зоналари ташкил этилмоқда.

Иқтисодиётнинг турли тармокларида, шу жумладан, мамлакатларимиз ҳудудларида кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Маданият ва таълимда тадбирларга бой дастурлар рўёбга чиқарилмоқда.

Учрашувда мамлакатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштириш, қўшма кооперация ташаббуслари ва лойиҳаларини илгари суриш, ҳудудлараро алоқалар ва гуманитар алмашинувни кенгайтириш мақсадида парламентлараро мулоқотни, шу жумладан, кўмиталар даражасида мустаҳкамлаш муҳим экани таъкидланди.

Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси Раиси Нуман Куртулмуш бошчилигидаги делегация билан учрашув аввалида Туркия парламенти раиси давлатимиз раҳбарига Президент Режеп Таййип Эрдоғанининг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги дўстлик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Икки томонлама ҳамкорликда юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди. Ҳўзаро товар айирбошлаш ва инвестиция кўрсаткичлари ўсмоқда, муваффақиятли қўшма лойиҳа ва корхоналар сони, тўғридан-тўғри парвозлар кўпаймоқда. Икки давлат ва халқни яқинлаштиришга қаратилган муҳим маданий тадбирлар ўтказилмоқда.

Парламентлараро алоқаларни янада ривожлантиришга, Ўзбекистон — Туркия шериклигининг янги кун тартибини шакллантириш, ҳудудлараро ҳамкорликни фаоллаштиришда, шунингдек, олий даражадаги келишувлар ижроси устидан назоратни таъминлашда дўстлик гуруҳларининг иштирокига алоҳида эътибор қаратилди.

Покистон Ислom Республикаси Сенати Раиси Юсуф Ризо Филоний бошчилигидаги делегация билан учрашувда Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Учрашувда юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Президент Асиф Али Зардари ва Бош вазир Шаҳбoз Шарифнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ҳўзарo савдо ҳажми, қўшма корхоналар ва тўғридан-тўғри парвозлар сони ортмоқда, икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокида бизнес форумлари ва кўргазмалар мунтазам ўтказилмоқда.

Яқинда Ўзбекистонга амалга оширилган олий даражадаги тарихий ташириф

давомида эришилган келишувларнинг самарали ижросини таъминлашда парламентларнинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо-иқтисодиёт, инвестиция ва транспорт соҳаларидаги устувор лойиҳа ҳамда дастурларни жадаллаштириш, шу жумладан, Трансафғон йўли қурилишини илгари суриш, шунингдек, ҳудудлараро ҳамкорлик ва гуманитар алмашинувни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон Республикаси парламентининг куйи палатаси — Лок Сабҳа Спикери Ом Бирла бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашув аввалида спикер давлатимиз раҳбарига Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Мoдининг салoми ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Ҳиндистон стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Кўп қиррали ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Кейинги йилларда товар айирбошлашда барқарор ўсиш кузатишмоқда, муваффақиятли кооперация лойиҳалари кўпаймоқда, авиақатновлар кенгайилмоқда.

Энергетика, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, IT, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳаларда лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда Ҳиндистоннинг 4 та университети филиаллари фаолият юритмоқда.

Сўхбатда яқин парламентлараро алмашинувларни, соҳавий кўмиталар даражасида фаол алоқаларни йўлга қўйиш, дўстлик гуруҳлари ва ёшлар платформаларини ташкил этиш, шунингдек, икки мамлакат ҳудудларининг салоҳиятини самарали ишга солиш муҳимлиги таъкидланди.

Шундан сўнғ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев араб давлатлари парламентлари раҳбарларини қабул қилди.

Учрашувда Араб парламенти Раиси Мўхаммад бин Аҳмад Ал-Ямаҳий, Баҳрайн парламенти Вакиллар кенгаши Спикери Аҳмад бин Салмон Ал-Мусаллам, Миср Вакиллар палатаси Спикери Ханафий Али Ал-Жабалий, Умон Шўро кенгаши Раиси Холид бин Хилол Ал-Маъавали, Қатар Шўро кенгаши Раиси Ҳасан бин Абдуллоҳ Ал-Ғаним ва Бирлашган Араб Амирликлари Федерал миллий кенгаши қўмитаси раиси Али Рашид Ал-Нуаймий иштирок этди.

Араб дунёси давлатлари билан кўп қиррали муносабатларни, шу жумладан, парламентлараро алоқалар орқали янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

ВЬЕТНАМ БИЛАН АМАЛИЙ ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙДА ЭТИЛДИ

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳукуматлараро ва идоралараро мулоқотларга тизимли тус бериш зарурлиги қайд этилди. Жорий йилда Ханой шаҳрида Ҳукуматлараро комиссия йигилиши ва бизнес форумини самарали ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Янги лойиҳаларни илгари суриш учун энергетика, геология, нефть-кимё, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа тармокларда саноат кооперацияси бўйича комплекс дастур тайёрлашга келишиб олинди.

Маданият ва туризм соҳаларидаги алмашинувларни, шу жумладан, визасиз тартибни жорий қилиш орқали ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма ташаббусларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида парламентлараро мулоқотни фаоллаштиришга аҳдлашиб олинди.

КЎП ҚИРРАЛИ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ МУНОСАБАТЛАР БАРДАВОМ БЎЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари 5 тадан 12 тага, Сенат ваколатлари эса 14 тадан 18 тага етказилди. Президентнинг қатор ваколатлари қонун чиқарувчи ҳокимиятга ўтказилди. Миллий парламентида хотин-қизларнинг улуши бугунги кунда 38 фоизга етди. 2021 йилда Олий Мажлис палаталари қошида илк бор Ёшлар парламенти фаолияти йўлга қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ташаббуси билан бу галги ассамблея «Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати» мавзuida ўтказилмоқда.

Статистик маълумотларга қўра, сўнгги ўттиз йилда жаҳон япйи ички маҳсулоти ҳажми 4,5 баробар ортган. Лекин инсониятнинг камбағал қатламлари даромадлари деярли ўзгармаган. Агар бу тенден-

ция сақланиб қолса, 2030 йилга бориб дунё аҳолисининг 575 миллион нафари қашшоқликда умр кечиради. 84 миллион бола эса таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлади. Ушбу йўналишда давлатларнинг вакиллик органлари ўртасида кўп қиррали ҳамкорлиқни йўлга қўйиш ва янада кенгайтириш умумий тараққиётга муносиб ҳисса қўишни қайд этилди.

Ўзбекистон вакиллари Осиё Парламент Ассамблеяси, Марказий Осиё парламентлари форуми, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси ва бошқа платформаларда фаол қатнашмоқда.

Давлатимиз раҳбари парламентлараро ҳамкорлиқнинг устувор йўналишларини кўрсатиб ўтди. Хусусан, жаҳоннинг турли минтақаларидаги низолар глобал ва минтақавий тинчлик ҳамда хавфсизликка жид-

дий таҳдид солаётгани таъкидланди. Ўзбекистон ҳар қандай зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат дипломатия ва тинч музокаралар йўли билан ҳал қилишининг қатъий тарафдори экани қайд этилди.

Шунингдек, Президентимиз иқлим ўзгаришлари доимо диққат марказида бўлиши кераклигини таъкидлади. Париж битими доирасида ва улардо неўтраллигига эришиш борасида олинган мажбуриятлар тўлиқ бажарилиши муҳимлиги урғуланди.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини қатъий қарор топтириш ижтимоий тараққиётнинг асосий шартларидан биридир. Дунё миқёсида аёл депутатларнинг улуши 1995 йилдаги 11,3 фоиздан жорий йилга келиб 27,2 фоизга кўтарилган.

Кейинги йилларда юртимизда БМТ институтлари ва Парламентлараро Иттифок билан ҳамкорликда Осиё хотин-қизлар

форуми ва Жаҳон парламентлари аёл раҳбарлари саммити самарали ўтказилди. Давлатимиз раҳбари ўз сўзида ёшларнинг парламент фаолияти билан бир қаторда, жамият ҳаётининг барча баҳарсида тўлақонли иштироки этиши учун уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ўта долзарб масала эканлигини, шу боис миллий парламентлар ҳамда Иттифок фаолиятига ёшларни фаол жалб қилиш зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз анжуман иштирокчиларини шу йил сентябрь ойида юртимизда бўлиб ўтадиган камбағалликни қисқартиришга бағишланган халқаро конференция ишда фаол қатнашиш учун таклиф қилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари сўзининг якунида юбилей ассамблея ишга ҳамда иштирокчиларига катта ютуқ ва муваффақиятлар тилади.

«Халқ сўзи».

Муносабат

Ўзбекистон демократия тамойилларига содиқ мамлакат

Тулия ЭКСОН, Парламентлараро Иттифок раиси.

— Аввало, Парламентлараро Иттифокнинг 150-ассамблеясига мезбонлик қилаётган Ўзбекистонга ўзимнинг меҳримни билдирмоқчиман. Бундай йиғилишларни ташкил этиш осон эмаслигини яхши биланман. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентидан бизни ўз мамлакатиде қабул қилгани учун миннатдоримиз. Шу билан бирга, Сенат Раисига барча ташкил масалаларни лухта амалга оширгани учун ҳам раҳмат айтмоқчиман.

Биз бу ерда илик кутиб олинди ва олиндида яна қўлбал делегатлар келиши кутилмоқда. Бизнинг ташрифимиз, албатта, Ўзбекистонга бўлган юксак ҳурматимиз ва бу ерда олиб бораётган жараёнларга катта эътибор қаратаётганимизни кўрсатади. Шу билан бирга, Ўзбекистон ПИ тамойилларини — дипломатия, демократия ва бошқа соҳаларда фаол қўллаб-қувватлаётган давлатлардан бири эканига ишонамиз.

Ассамблея давомида биз адолат ва ижтимоий тараққиёт мавзуларини жамлаб, улар қандай йўналлиши мумкинлигини муҳокама қилмоқчимиз. Сабаби, баъзида ижтимоий адолатсизликлар бўлади ва айрим давлатлар бу адолатсизликларни тараққиёт номидан оқлашга уринади. Биз эса бу икки тушунча биргаликда ривожланиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Жорий йил давомида биз Пекин Ҳаракат платформасининг 30 йиллигини ҳам нишонлаймиз, бу аёл-



лар ҳуқуқлари ҳақида ва тараққиётнинг а ж р а л м а с қисмидир. Шу ў р и н д а Ўзбекистон Президентининг парламентда аёллар сонини кўпайтириш

йўлидаги саъй-ҳаракатларини таъкидлаб ўтмоқчиман. Умумий ҳисобда Ўзбекистон парламентида аёллар сони 37 фоиздан ошди, бу ҳозирда жаҳондаги ўртача кўрсаткич — 26 фоиз атрофида. Бу эса Ўзбекистоннинг ушбу йўналишда катта ютуқларга эришганини билдиради. Ишончим комилки, жамиятнинг бошқа қатламлари ҳам шундай имкониятларга эга бўлади.

Яна бир бор таъкидламоқчиманки, бундай ассамблеяга мезбонлик қилиш мамлакатнинг ПИ қадриятларига содиқлиги ва фаол иштирокини англатади. Акс ҳолда ҳеч қим бундай йиғинларга қатнашмаган бўларди. Шу боис мамлакат Президентига парламентлараро дипломатиюни қўллаб-қувватлаётгани учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Айни пайтда биз июль ойида Женевада бўлиб ўтадиган Бутунжаҳон Спикерлар конференциясини ташкил қилмоқдамиз ва у ерда Сенат Раисини ҳам қўришни истаймиз.

«Тошкент декларацияси»ни бир овоздан қабул қиламиз



Мартин ЧУНГОНГ, Парламентлараро Иттифок Бош котиби, «Дўстлик» ордени соҳиби:

— Юбилей ассамблеяси, яъни Парламентлараро Иттифокнинг 150-ассамблеяси илк бор Марказий Осиё минтақасида — Ўзбекистонда ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев Жаноиб Олийлани Раиси Танзила Норбоева Иттифокнинг муҳим аҳамиятига урғу берди.

Парламентлараро Иттифокнинг Бош котиби Мартин Чунгонг эса гендер тенглик фақат аёлларга оид масала эмаслигига, у демократия, инсон ҳуқуқлари ва барқарор ривожланиш масаласи эканлигига эътибор қаратади.

— Бу эса барчамиздан, айниқса, раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган эркаклардан аниқ ҳаракат ва қадамларни талаб қилади, — деди М. Чунгонг.

Тадбир давомида «Гендер тенгликка эришамиз: ҳаракатлар кетида, ҳаракатлар!» шiori остида гендер тенглик бўйича янги кампания эълон қилинди.

Ушбу бошланган янги кампанияни биринчилардан бўлиб Ўзбекистон парламенти қўллаб-қувватлаши ва унда белгиланган режаларни амалга ошириш йўлида катта масъулият, қатъият билан фаолият олиб бориши таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари, Парламентлараро Иттифок 150-ассамблеяси доирасида «Янги Ўзбекистон даври: ислохотлар ва истиқболлар» мавзuida медиатадбирлар ҳам бўлиб ўтди. Парламентлараро Иттифок 150-ассамблеяси тадбирлари 8 апрель куни яна ўз фаолиятини давом эттиради.

«Халқ сўзи».

ларда инклюзивлиқни таъминлашга қаратилган чоралари эътиборга қилиқдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, бир ҳафта давомида Тошкент парламент дипломатиясининг пойтахтига айланган. Бу йиғилиш глобал ҳамжамият дуч келётган муаммолар, зиддиятлар ва низоларни мулоқот орқали ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатувчи намунага айланди. Дунё мураккаб муаммолар, уруш ва зиддиятлар гирдобига қалаётган бир пайтда, ушбу ассамблеянинг Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакат раҳбариятининг кўп томонлама ҳамкорлик ва парламент дипломатиясини ривожлантиришга бўлган содиқлигини кўрсатади.

Ишонамизки, биз «Тошкент декларацияси» деб номланувчи асосий баёнотни қабул қиламиз. Ушбу декларация Парламентлараро Иттифок учун «Йўл харитаси» бўлиб хизмат қилади ва ижтимоий тараққиёт ҳамда ижтимоий адолатни тарғиб қилишда бажариладиган ишлар учун асос бўлади.

Шахсан мен ушбу ассамблеяга катта умид боғланаман ва ишончим комилки, биз Ўзбекистон расмийларининг мазкур муҳим тадбирини ўтказиш тақдирини қабул қилиб тўғри қарор чиқардик.

Тадбир кундалиги

Тадбир аввалида Ўзбекистон Давлат маҳияси ҳамда Парламентлараро Иттифок маҳияси янгради. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева, Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов, Парламентлараро Иттифок раиси Т. Эксон ва Парламентлараро Иттифок Бош котиби М. Чунгонг сўзга чиқди.

Анжуманда Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей ассамблеяси нафақат ўзининг тарихийлиги, балки унинг маъмуно-хожияти жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга, мамлакатлар барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим шарти бўлган ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган билан ҳам аҳамиятли экани қайд этилди.

«Париждан Тошкентга қадар: Парламентлараро Иттифокнинг 150-ассамблеясини нишонлаш» видеоролиги тақдими ўтказилди.

«Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати» мавзuida ўтказилаётган ассамблея доирасида ижтимоий тараққиётга эришишда, адолатли жамиятни барпо этишда парламентлар иштирокини кенгайтириш ва фаоллигини оширишга қаратилган 90 га яқин турли тадбирлар ва дебатлар уюштирилди.

— Бугун жаҳон сиёсий майдониде ўзининг мустақам ўрни, обрўси ва ўз сўзига эга бўлган Парламентлараро Иттифок парламент дипломатиясини ривожлантириш, демократик институтларни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларини рўёбга чиқариш каби муҳим йўналишларда фаол иш олиб бормоқда, — деди Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева.

— Ташкилот миллий қонунчилик органларининг илғор тажриба ва

амалиётларини ўзаро интеграция қилиш орқали замонавий таҳдидларни бартараф қилиш бўйича парламентлар учун умумий стратегияларни ишлаб чиқишда кўмаклашиб келмоқда. Айниқса, геосиёсий вазият тобора таранглашиб бораётган бир даврда Парламентлараро Иттифок дунёда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, низоларни ҳал этиш, халқаро ҳуқуқ ва тинчликпарвар сиёсатни ривожлантириш борасида парламентлар роляни кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Можаролар ҳудудида инсон ҳуқуқлари ҳимояси, эъравонлиқларнинг олдини олиш ва жаҳланганларга гуманитар ёрдамнинг таъминлинишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Янги Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча жаҳасида де ислохотлар изчиллик билан давом этмоқда, тараққиётнинг ҳал қилувчи босқичига қадам қўйилди. Миллий парламентнинг ушбу жараёнларда муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий вазифаларни ҳал этишдаги роли, ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон парламенти халқаро парламент механизмларига фаол равишда интеграциялашиб бормоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ҳам ўз сўзида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кейинги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, хусусан, инсон ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилувчи парламентни тақомиллаштириш, қонунчилик соҳасида миллий ва хорижий тажрибаларни ошириб бориш, парламент дипломатиясини ривожлантириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этди.

Таъкидланганидек, ижтимоий сиёсатни белгилашда ва ижтимоий

адолат мезонларини таъминлашда парламентнинг самарали фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бугун дунёда парламентларга нафақат қонун ишлаб чиқувчи, балки ижтимоий ўзгаришларни амалга оширишни, камбағалликни қисқартиришни, тенг имкониятлар яратишни, инсон қадрини улуғлашни мақсад қилиб олган ташаббускор сиёсий субъект сифатида қаралмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар ассамблеянинг бош мавзуси ва уни рўёбга чиқариш учун давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан бажарилаётган ишлар ҳамда келгусидаги режаларга эътибор қаратади.

Тантанали тадбирдан кейин ассамблея иштирокчилари учун Олий Мажлис номидан расмий қабул маросими ўтказилди.

Ассамблея доирасида муҳим учрашувлар, самарали мулоқотлар ташкил этилди. Кун давомида Аёл парламентарийлар бюроси мажлиси, Парламент аёл аъзолари форумининг 39-сессияси бўлиб ўтди.

Ушбу сессияда дунёнинг турли бурчақларидан келган 200 дан ортқ парламент аъзолари, аёл етакчилар ва экспертлар иштирок этди. Улар гендер тенглик, аёлларнинг сиёсий етакчилиги ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ энг муҳим масалаларни муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, форум парламент аёл аъзолари учун глобал миқёсдаги муҳим тадбир бўлиб, гендер тенгликни илгари суриш, сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида аёлларнинг иштирокини кенгайтириш ва барқарор ривожланишга ҳисса қўиш мақсадида ташкил этилган.

Халқаро тадбирнинг иккинчи иш кунида ассамблея бошқарув кўмитаси бошқарув кенгаши, солиқли сақлаш бўйича маслаҳат гуруҳи мажлисларни ўтказилди. Тинчлик ва халқаро хавфсизлик масалалари бўйича доимий кўмита, Барқарор ривожланиш бўйича доимий кўмиталар резолюция лойиҳаси муҳокама қилинди. Ёш парламентариюлар форуми кенгаши, Парламентлар бош котиблари ассоциацияси йиғилиши ташкил этилди.

Ассамблея доирасида бўлиб

ўтган бошқарув кенгаши мажлисида 150-юбилей ассамблея Президенти лавозимига Олий Мажлис Сенати Раиси номзоди илгари сурилди ҳамда кенгаш аъзолари бир овоздан Танзила Норбоевани ассамблея Президенти этиб сайлади.

Ассамблеянинг «Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати» мавзuidaги биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Уни Парламентлараро Иттифок раиси Тулия Эксон очиб берди ва парламентлар жаҳон миқёсидаги ижтимоий мувозанатни тиклаш, барқарорлик ва адолатни таъминлашда ҳал қилувчи сиёсий институт сифатида фаол иштирок этиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, 6 апрель куни бошқа бир қатор тадбирлар ҳам ўтказилди. Хусусан, Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей ассамблеяси доирасида Марказий Осиё мамлакатлари парламентлари девонлари раҳбарлари учрашуви ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони раҳбари Қудрат Нуруллаев, Қозогистон Республикаси Парламенти Сенати аппарати раҳбари, Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеш аппарати раҳбари, Тожикистон Республикаси Мажлиси Оли девони вакиллари ҳамда халқаро парламент ташкилотлари мутасаддилари қатнашди.

Шу куни ёш парламент аъзолари форуми ҳам бўлиб ўтди. Унда халқаро ҳамкорлик ва барқарор ривожланиш масалалари кўриб чиқилди.

Ушбу муҳим анжуман ёш сиёсатчиларнинг глобал миқёсдаги фаоллигини ошириш, парламентлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш ва барқарор тараққиётга таҳдид солувчи омилларга барҳам бериш масалаларини муҳокама қилишга бағишланди.

Тадбир давомида ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг овозини халқаро майдонда янада кучайтириш ва ёш етакчиларнинг роляни мустаҳкамлашга қаратилган янги ташаббуслар илгари сурилди.

Халқаро анжуманнинг учинчи куниде гендер тенглик масалаларига

Учрашув

Ўзаро ҳурмат, очиқлик ва ишонч – устувор мақсад

Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей сессияси доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов бир қатор давлатлар парламентлари делегациялари билан учрашувлар ўтказди.

Жумладан, Туркия Буюк миллат мажлиси Раиси Нуман Куртулмуш бошчилигидаги делегация билан учрашувда кейинги йилларда Президентлар Шавкат Мирзиёев ҳамда Режеп Таййип Эрдоғанининг сиёсий иродаси ва саъй-ҳаракатлари натижасида кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлари ўзаро ишонч ва дўстлик ришталари асосида жадал ривожланиб, икки томонлама муносабатларда янгица импульс қузатилаётгани қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистон — Туркия ўртасидаги муносабатлар, жумладан, парламентлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Икки давлат ўртасидаги алоқалар ривожланиб бориши ортидан ўзбек — турк парламентлараро муносабатлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани таъкидланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Покистон Ислом Республикаси Сенати Раиси Юсуф Ризо Гилоний бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Покистон Ислом Республикаси Сенати Раиси илиқ ва дўстона муносабат учун миннатдорлик билдириб, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда барча соҳада амалга оширилаётган демократик ислохотларни юқори баҳолади. Шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги турли соҳадаги алоқаларни, хусусан, парламентлараро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратади.

Томонлар Ўзбекистон ва Покистон парламентлари ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, олий ва юқори даражаларда эришилган келишувларни амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқий асосини яратишда парламентлар муҳим ўрин тутатганини қайд этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Тайланд Вакилар палатаси Спикери, Миллий ассамблеяси президенти Ван Мухаммад Рун Матха бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Унда Ўзбекистон ва Тайланд ўртасидаги муносабатлар, шу жумладан, парламентлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, Ван Мухаммад Рун Матха Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотларни эътироф этиб, Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей ассамблеяси Марказий Осиё тарихида илк бор Тошкент шаҳрида ўтказилаётгани катта воқеа эканини, бу нафақат мамлакат ва минтақа, балки бутун дунё парламентлари ҳамжамияти учун муҳим аҳамият касб этишини айтди.

«Халқ сўзи».

Икки томонлама келишувлар қонун ижодкорлигини мустаҳкамлайди

Апрель ойининг ўтаётган биринчи ўн кунлиги мамлакатимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларга бой бўлди. 3 — 5 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев расмийлаштирилган «Марказий Осиё — Европа Иттифок»и биринчи саммити ҳамда Самарқанд халқаро иқлим форуми бўлиб ўтди. 5 апрелдан бошлаб мамлакатимиз пойтахти яна бир қатмарда тадбирга мезбонлик қила бошлади. Дунёнинг 180 га яқин мамлакатларидан келган 2 мингга яқин парламент спикерлари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, етакчи сиёсатчилар бир ерга жам бўлди.

Тадбир доирасида Олий Мажлис Сенатида турли мамлакат делегациялари билан қизгин учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Хусусан, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева хоржилик парламент вакиллари ва делегациялар раҳбарлари билан қатор учрашувлар ўтказди.

Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей ассамблеяси доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева 6 апрель куни Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси, МДХ ПА Кенгаши Раиси В. Матвиенко билан учрашувда икки томонлама ҳамкорлиқни қучурлаштириш ва парламентлараро алоқаларни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилди.

Шу куннинг ўзиде мамлакатимиз парламенти юқори палатаси Раиси Т. Норбоева Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси Раиси Нуман Куртулмуш билан учрашувда Олий Мажлис Сенати ҳамда Туркия парламенти ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш истиқболларига оид масалаларни муҳокама этди.

Шунингдек, томонлар парламентлараро ҳамкорлиқни фаоллаштириш, турли ташрифлар ва анжуманлар ўтказиш орқали икки мамлакат парламентлари оқалаталари шериклигини ривожлантиришга келишиб олди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева билан Умон Султонлиги Шўро кенгаши Раиси Холид бин Хилал ал-Маъйали ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Сўхбат чоғида икки мамлакат парламентлараро мулоқотини ўзаро ташрифлар орқали фаоллаштириш, қонун чиқарувчи органларнинг тегишли кўмиталари ўртасида тажриба алмашиш ва яқин алоқаларни ўрнатиш масалаларни муҳокама қилинди.

Шунингдек, томонлар парламентлар дўстлик гуруҳлари, кўмиталар ҳамда девонлар ўртасида мулоқот ва ҳамкорлиқни йўлга қўйиш воситасида самарали лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўзаро фикр алмашди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган Вьетнам Социалистик Республикаси Миллий мажлиси Раиси Чан Тхань Ман билан учрашди.

Томонлар Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлиқларнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилди.

Мулоқот чоғида икки давлат парламентлари ўртасида мунтазам алоқаларни йўлга қўйиш, ёшлар парламентлари ишларини фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Учрашув очиқлик ва конструктив мулоқот руҳида ўтди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ёрдамчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДХ бўйи-

«Халқ сўзи».

НИГОХ



2025 йил 1 апрель... Бутун дунё нигоҳи Самарқандга қаратилди. Бу эътибор Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммити Самарқанд саммити олдида "EuroNews"га берган эксклюзив интервьюсидан бошланади.

Самарқанд — улугвор шаҳар. Унинг тарихи қандай буюк бўлса, бугуни ҳам, келажаги ҳам шундай буюқдир. Баъзан Самарқанднинг даражасини туширишга уринишлар ҳам кузатилган бўлсада, тарих доим унинг улугворлигини ҳис этadи-ган, англайдиган шахсларни майдонга чиқарган.

Самарқанд тупрогининг табарруклигида шу ерда мангу кўним топган буюк зотларнинг ҳисса-си бекиёс. Бу заминда Қусам ибн Аббос (р.а.)-нинг муқаддас хоки, Бухорийнинг буюқлиги, Мир Саййиднинг баракаси, Амир Темурнинг салобати, Хожа Аҳрор Валийнинг қаромати, Улуғбекнинг салоҳияти, Навоийнинг қалби, Бобурнинг бунёдкорлиги мўжассамлашган.

Самарқанднинг ҳар қарич ери, ҳар бир гишти бизга тарихдан сўзлайди. Бу шаҳарнинг шон-шух-рати салкам уч минг йил давомида ўтда ёнмади, сувда қўлмади, тарих саҳифаларидан ўчиб кетмади. Аксинча, бунга уринганларнинг номлари аллақачон унутилмиш маҳкум бўлган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан Самарқанд бугун нафақат Осиё, балки бутун дунёда энг улугвор шаҳарлардан бири сифатида намойён бўлмоқда.

2025 йил 2 апрель... Бу сана Самарқандимиз тарихига олтин ҳарфлар билан битилажак. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёрдамчиси Саида Мирзиёева ўзининг "Facebook"даги саҳифасида шундай ёздади:

"ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ЮНЕСКО ўртасидаги келишув имзоланишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Самарқанд энди расман Бош конференциянинг 43-сессияси ўтказиладиган жой сифатида белгиланди.

Бу биз учун катта шараф ва масъулиятдир, негаки, сўнгги 40 йил давомида ушбу

конференция Париждан бошқа ерда ўтказилмаган. Бу ижодий индустриянинг машаққатли меҳнати, халқ дипломатияси ва энг юқори даражадаги келишувлар самарасидир. Бу — жаҳон ҳамжамиятининг мамлакатимиз очиклиги, ўзига хос анъаналари ва маданий мероси, бой тарихи, мусиқаси, адабиётига катта қизиқиш билан қараётганидан далолат.

Биз маданият ва санъат воситасида мамлакатимизни халқаро майдонда тарғиб этмоқдамиз, дунё аҳлига янада яқинлаштирмоқдамиз. Бу алоқалар бевосита иқтисодий натижаларга улашиб, қўшма лойиҳалар ва умумий гоғларга айланимда.

Хуш келибсан, ЮНЕСКО! Самарқандда уч-рашгунча!.."

Самарқандни дунё микёсида улуглаган хушхабарни ўқир эканман, беихтиёр кўзларимга ёш қалқди. Зеро, бу дунёда Ўзбекистон асри бошланганидан далолат беради. Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида жаҳонда Ўзбекистоннинг ижобий имижини аллақачон шаклланганини, яратилганини кўрсатади. Салкам ярим аср давомида кимлар орзу қилмаган бундай юксак мақомини?!

Мен Самарқандим учун фахрландим. Мазкур юксак шарафни юртимизга олиб келганлар меҳнатига, маҳоратига, матонатига тасаннолар айтдим. Бунинг учун, энг аввало, Ватанни севиш керак, юртдошларни яхши кўриш керак.

2025 йил 2 апрель... Президент Шавкат Мирзиёев "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммитида иштирок этиш учун Самарқандга келди.

Давлатимиз раҳбари саммитнинг энг мартабали меҳмони Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта билан норасмий учрашув ўтказди.

Бутун дунёда 1 апрель куни бошланган "Самарқанд руҳи" азия меҳмонларни ўз оғушига олган эди. Самарқанднинг бекиёс меъморий ёдгорликлари, буюк ўтмиши, роҳатбахш ҳавоси, бетакорр табиати, тоғли таомлари, арфонавий нонин... Энг муҳими, бағрикенглиги асрлар давомида хорижлик ҳам-

корларимизни ҳайратлантириб келган. Оҳан-рабодай ўзига тортган.

2025 йил 3 апрель... Президент Шавкат Мирзиёев "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммити дастури доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо билан учрашди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан Ўзбекистон ўртасида ўрнатилган муносабатлар мазкур учрашувдан сўнг янги босқичга кўтарилиши мўқаррар. Чунки дунё микёсидаги кўпгина молиявий тузилмаларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқиши, интилиши тобора ортаётганига барчамиз гувоҳимиз.

Самарқанд саммитининг кун тартиби жуда тигиз эди. Лекин давлатимиз раҳбарининг қатъий талаби билан барчасига улгурилди. Бундай фурсат ҳар доим ҳам бўлавермайдиган ахир.

Президент Шавкат Мирзиёев "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммити доирасида Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен билан учрашувлар ўтказди. Бу олий даражадаги меҳмонлар ҳузурнда Ўзбекистонда Европа инвестиция банкининг минтакавий офисини таъсис этиш тўғрисида битим имзоланди. Европа Иттифонининг етакчи молиявий институти ҳисобланадиган мазкур банк минтакавий офисининг мамлакатимизда иш бошлашини ҳамкорларимизнинг бизга бўлган юксак ишончи сифатида баҳолаш мумкин. Европа стандарти, мезони ва ўлчовларида келиб чиқадиган бўлса, мазкур молиявий тузилманинг очилиши ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда катта воқеадир.

Президент Шавкат Мирзиёев "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммитида иштирок этиш учун Самарқандга келган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан учрашувлар ўтказди. Шавкат Мирзиёевнинг ҳамкасблари билан бўлиб ўтган ўзаро мулоқотларда Марказий Осиё учун муштарак мақсадлар устуворлик касб этди. Сўзсиз бир-бирини англаш, қўллаб-қувватлаш муҳити ҳукмронлик қилди.

2025 йил 4 апрель... Президент Шавкат Мирзиёев "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммитида нутқ сўзлади:

"Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта Жаюби Олийларига, Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен Хоним Олийларига, менинг барча ҳамкасбларим — минтақа мамлакатлари етакчиларига саммитни айнан шу заминда, қадимий Самарқанд шаҳрида ўтказиш бора-сидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганлари учун миннатдорлик билдираман. Кўп асрлар давомида Буюк Ипак йўлининг асосий йўллари чор-раҳасида жойлашган ушбу шонли шаҳар цивилизациялар мулоқоти ҳамда Шарқ ва Ғарб ўртаси-



Рустам ХОЛМУРОДОВ, Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

даги дипломатия, савдо ва маданий алмашувларнинг муҳим маркази бўлган. Бу ҳақда қўллаб-тарихий далиллар мавжуд. Масалан, Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Темур бундан олти асрдан зиёд вақт олдин айнан шу заминда туриб эркин ва хавфсиз савдони таъминлаш мақсадида Европа ҳукмдорлари билан фаол мулоқотлари йўлга қўйган..."

Самарқанд бугун ўзининг шонли ўтмиши давомида кўрмалган юксакликка кўтарилди — Европа Иттифоқига аъзо дунёнинг энг ривожланган 27 мамлакатига яшаётган салкам ярим миллиард ва Марказий Осиё давлатларида истиқомат қилаётган юз миллионга яқин аҳоли диққат марказида бўлди.

Европа кенгаши ва Европа комиссияси, шунингдек, яна 5 давлат Президентлари ўз соатларини нуфузли саммит ўтаётган кунларда Самарқанд вақтига тўғрилади. Ҳа, ўша тарихий кунларда бутун дунёда Самарқанд номи энг кўп ишлатилган сўз бўлди дейишимизга бугун тўла асосларимиз бор.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд халқаро иқлим форуми иштирокчиларига юзланиб айтган мана бу сўзлари барчани тўлқинлантириб юборди:

"Ишоним қилиш, бу заминда, асрлар давомида янги гоё ва билимлар яратилган, ишонч ва бунёдкор шериклик марказларидан бири бўлган қадимий Самарқандда биз иқлим соҳасидаги замонавий таҳдидларга қарши курашиш бўйича биргаликда таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқа оламиз. Ўзбекистонга хуш келибсиз!"

Самарқандда хуш келибсиз!"

Давлатимиз раҳбари тўри эътироф этганидек, Самарқандда янги гоё ва билимлар туғилган, яратилган. Ўзаро ишонч ва бунёдкорлик, шериклик тамойилларига садоқат кўрсатилган. Бундай умуминсоний гоғлар қадрланган. Тарихда Самарқандда айтилган гапдан қай-тилмаган. Бу муқаддас заминнинг нон-тузига нисбатан ҳамма вақт ҳурмат сақланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд халқаро иқлим форуми доирасида БМТ Бош қотиби ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси

ижрочи қотиби Татьяна Молчан, БМТ Бош қотиби ўринбосари, БМТнинг аҳоли пунктлари бўйича дастури (БМТ-Ҳабитат) ижрочи директори Анаклаудия Россбах, БМТ Бош қотибининг ўринбосари, Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси ижрочи қотиби Иброҳим Тиав билан учрашувлар ўтказди. Мазкур халқаро институтлар билан ўрнатилган мулоқотлар Ватанимиз ривожини ва тараққиётида муҳим ўрин тутиши, шубҳасиздир.

Менинг назаримда, 2025 йил 1 — 5 апрель Президент Шавкат Мирзиёев учун энг серунум, сермахсул, серфайз кунлар бўлганлиги билан тарих саҳифаларига муҳрланади. Тасаввур этинг — Самарқанд қандай нуфузли, улкан саммитга мезбонлик қилди. Саммитнинг қўламини кенглигига алоҳида эътибор қаратиш муҳим. Саммит иштирокчиларининг дунё сиёсатидаги ўрни, мавқеи жуда баланд.

Самарқанд саммити Ватанимиз келажагига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади. Ўзбекистонимизнинг халқаро обрўсини белгилаб берди. Ислохотларимиз жаҳон микёсида эътироф этилаётганини яна бир марта намойиш қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёрдамчиси Саида Мирзиёева ўзининг "Facebook"даги саҳифасида бу ҳақда қуйдагиларни ёздади:

"Бугун Самарқандда Марказий Осиё иқлим форуми ўз ишини бошлади. Ўзбекистоннинг иқлим ўзгаришига қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини тақдим этиш мен учун катта шарафдир... Ҳозирда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан "Марказий Осиёнинг яшил ривожланиш" концепцияси ишлаб чиқилмоқда. У "яшил" технологиялардан тортиб барқарор урбанизациягача бўлган барча соҳаларни тўла қамраб олади... Биз мулоқот ва ҳамкорликка очикмиз. Фақатгина биргаликда биз Ер юзини асраб қолишимиз ва фарзандларимиз, набираларимиз ҳамда биздан кейинги барча авлодлар учун яхшироқ келажақни барпо этишимиз мумкин. Форум доирасида Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен билан шахсан танишганимдан мамнунман. Урсула фон дер Ляйен хонимнинг етакчилиги ва иқлим кун тартибиди илгари суришдаги изчиллиги илҳом бағишлайди ҳамда самарали халқаро ҳамкорликка бўлган ишончини мустаҳкамлайди..."

Самарқанд саммити бизга, аввало, тинчликнинг кўз қорачиқидай асрашимиз, ҳар хил қутқуларга умаслигимиз, Ватанимизнинг тобора юксалаётган обрўсига осонликча эришилмаганини унутмаслигимиз кераклигини англайди.

Балки кейинги "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" саммитлари Осиёда, Душанбеда, Ашхабодда, Бишкекда бўлиб ўтар. Бироқ Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси, жасорати туйғули Самарқандда бўлиб ўтган биринчи саммит ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди.

Самарқандимизга дунё дипломатиясининг маркази мақоми муборак бўлсин!

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Ўзбекистон бугунги кунда барча минтақалар билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришга бор эътиборини қаратаётган мамлакат сифатида тарихга кирмоқда. Бу ҳақиқатни яқиндагина катта муваффақият билан ўтказилган "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" биринчи саммити яна бир бор исботлади. Марказий Осиёнинг юраги — Ўзбекистонда бўлиб ўтган мазкур нуфузли анжуманда Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта таърифлаганидек, минтақа цивилизациясининг дурдонаси, навқирон Самарқанд мезбонлик қилган илк саммит мамлакатимиз ташқи сиёсатидаги китоб саҳифаларига ўчмас ҳарфлар билан ёзилди.

НУҚТАИ НАЗАР

Она тилимизда "ифтихор" деган, қалбларга гурур бағишловчи сўз бор. Бугунги кунда бу калом чин маънода Ўзбекистон учун фақат таъриф ифодаси эмас, балки қалблардан жой олган ҳақиқий ҳиссиётга айланди. Тан олиш керак, илгари мамлакатимизнинг ташқи майдондаги иштироки чекланган, ички ривожланишмиш суръати секин эди. Халқимизда миллий гурур ва ишонч туйғуси бугунгидек юксак эмасди. Энди эса манзара бутунлай бошқача.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги фаоллиги, нуфузли халқаро форум ва конференциялар ташкил этилиши, дунёдаги етакчи мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли мулоқот — буларнинг барчаси юртимизни жаҳон саҳнасида танитмоқда. Энди Ўзбекистон нафақат минтакавий, балки дунё микёсида ҳам ўз сўзига эга давлатга айланди.

Бу тараққиётнинг илдири учинчи Ренессанс гоғсида муҳассам. У инсон салоҳиятини юксалтириш, таълим, фан, маданият ва маънавиятни тиклаш, тарихий меросни қадрлаш ҳамда замонавий дунёда республикаимизнинг муносиб ўрнини белгилашга қаратилган.

Учинчи Ренессанс фақат ўтмишга қайтиш эмас, балки келажақни қайта кашф этишдир. Ҳозирги ўзгаришлар шароитида ёшлар орасидаги фаоллик, янгича тафаккур ва энг муҳими, Ватанга бўлган муҳаббат ва ифтихор ҳисси тобора ортаётти. Бу ислохотлар нафақат иқтисодиётни, балки халқнинг руҳий оламиини ҳам ўзгартирмоқда.

Самарқанд саммити, юқорида таъкидлаганимиздек, "ифтихор" туйғусининг мустаҳкам бир чинорга айланиши йўлида дастуриламал бўлди, десак, муболага эмас. Фикрим жамламаси шундаки, халқаро ҳамжамияти нигоҳини диёримизга қаратган саммит Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда мутлақо янги, тарихий босқични бошлаб берган платформага айланди.

Тарихда илк бор ЕИ етакчилари, жумладан, Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта, Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен ва Марказий Осиёнинг барча беш давлати раҳбарлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо ҳамда Европа инвестиция банки раҳбарияти бир даврада, умумий форматда йиғилиб, стратегик шериклиқни шакллантириш масаласида муҳокама олиб борди.

Ўз навбатида, бундай тадбирлар ҳар вақт, ҳар минтақа ёки ҳар мамлакатда бўлавермайдиган. Айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари, бутун бир қитъа тақдирига дахлдор масалаларни ҳал қилиш йўлида бир даврада ҳам бўлишининг ўзи улкан ва дадил қадамдир. Жумладан, яқиндагина муқаддас Ҳайит кунлари гувоҳи бўлганимиздек, уч мамлакат — Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон раҳбарлари саммитининг адолатли қарори натижасида давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартнома имзоланди, Дўстлик стеласи тантанали равишда очилди.

Бу тарихий учрашув натижасида ўзбек, тожик ва қирғиз халқлари ўртасидаги азалий дўстлигимизга абадийлик рамзи ўрнатилди. Энг қувонарлиқ си, чегара масалалари ижобий ечим топди. Яқингача Европа нарёдада турсин, қўшни давлатларга ўтиш мумкин эмас эди, қариндош-дўстлар билан борди-келди йўқ даражага тушиб қолганди. Бир сўз билан айтганда, ўртадаги кўринмас деворлар, чегараларда ўрнатилган миналар тинчлик бермасди.

Муҳим ислохотлар, ташаббуслар,



Абдусайд КҶЧИМОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

умуман, минтақамиз ривожини замирида давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари, ташқи сиёсатидаги оқилона қарорлари бениҳоя муҳим роль ўйнамоқда. Гап муқофот ёки рағбатда эмас, балки эътирофда, деб биламан. Бизга ўзимизнинг эмас, балки бошқа мамлакат, минтақа эксперт-олиmlари баҳоси, эътирофи ва эътибори муҳим. Зеро, ишларимизни белгилаб берувчи, тўғри йўл кўрсатувчилар айнан мухтассислардир.

Ўз навбатида, озарбайжонлик сиёсатшунос ва журналист Илғар Велизаде уч давлат — Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон чегара масалаларини тинч йўл билан ҳал этишга қиришгани уч мамлакат халқлари ўртасидаги ишонч ва дўстлиқни мустаҳкамлашга, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қўмклашувчи кенг қамровли шериклиқни ривожлантириш учун мутлақо янги истиқбол очилиши айтилди.

— Озарбайжон минтакавий яқинлашув жараёнларига Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг конструктив ташқи сиёсати хал қилувчи ҳисса қўшганини тан олади, — дейди мухтассис. — Мамлакатингиз етакчиси ўз Президентлигининг дастлабки кунлариданқоқ Марказий Осиёдаги қўшнилар билан мулоқотни йўлга қўйишни ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида белгилади.

Айтмоқчиманки, сўнгги 7-8 йилда Марказий Осиё бирдамликка қараб қадам ташлади. Давлатларимизнинг турли ҳудудларида ташкил этилаётган олий даражадаги учрашувлар ижобий бир шаклда, оға-иничилик тамойилига асосланган ҳолда кўпгина мамлакатларга ўрнак бўлди. Бунинг натижасида Марказий Осиё дунёнинг етакчи давлатлари интиладиган, бозорларида ва фуқаролари салоҳиятига қизиқиш билдирилладиган минтақага айлана олди.

Биргина Ўзбекистонни олайлик.

Юртимизнинг Европа Иттифоқи билан ташқи савдо айланмаси 2024 йил якунига кўра 6,4 миллиард долларга етди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 5,2 фоиз ўсишини англайди. Мамлакатимизда Европа сармоси иштирокидаги мингдан зиёд қорхоналар фаолият юритмоқда. Иқтисодиётимизга қўнча қитъа қиритган инвестиция 30 миллиард еврога яқинлашди.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгилаб қўйилган мақсадлар, жумладан, ялпи ички маҳсулот қийматини 200 миллиард долларга етказиш, ташқи иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва диверсификация қилиш каби йўналишлар ЕИнинг устувор йўналишлари билан ҳамоханг. Бу эса ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш учун мустаҳкам замин яратди.

Тузилманинг минтақамиз билан ҳамкорлик қилишга бўлган интилиши барчамизни қувонтиради, албатта. Шу маънода, давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида билдирган фикрлар ёдга тушади: "Марказий Осиёнинг очиклиги ва барча шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр экани минтақада хавфсизлик ва фаровонликни таъминлашининг энг муҳим шартига айланди".

Президентимиз Шавкат Мирзиёев, шунингдек, урта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга оид устувор йўналишлар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилди. Жумладан, "яшил" энергетика, инновация, транспорт, инфратузилма ва аграр соҳадаги йирик минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун Инвестиция платформасини ишга тушириш ташаббуси илгари сурилди.

Биргина "яшил" энергетика масаласини таҳлил қиладиган бўлсақ, бугунги кунда Европада энергетика билан боғлиқ етарлики муаммолар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Бизнинг минтақада барча турдаги металлар, ҳатто Менделеев жадвалига киритилмаган элементлар ҳам борлиги энг катта ютуғимиз ва имкониятимиздир.

Саммит доирасида имзоланган Самарқанд декларацияси ушбу муносабатларни институционал даражада мустаҳкамлаб, барқарор ривожланиш, транспорт ва логистика, савдо, "яшил" энергетика ҳамда хавфсизлик соҳаларида узоқ муддатли шериклиқни белгилаб беради.

Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта саммитдаги нутқи чоғида

сўнгги йилларда ЕИнинг 2019 йил қабул қилинган Марказий Осиё стратегияси, 2023 йили тасдиқланган "Йўл харитаси", шунингдек, Европа Иттифоқи Глобал дарвозаси стратегияси доирасида минтақамиз билан фаол ҳамкорлик қилаётганини қайд этди.

— Ҳамкорлигимиз салоҳияти ҳали тўлиқ юзага чиққани йўқ. Бу шериклик — бирор манзилга эмас, балки узлуксиз ривожланишга йўналтирилган сафар, — дейди кенгаш Президенти. — Бугунги саммит муносабатларимизда янги босқичнинг бошланиши. У ақалликда қолмайди. Мен сизнинг тақлифларингизни эшитишга, ҳамкорлиқнинг қайси соҳаларни энг катта фойда келтиришини биргаликда аниқлашга тайёрман. Умумий стратегик шериклигимизни реал ва самарали қилиб, аниқ натижаларга эга тизимга айлантиришимиз шарт.

Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен таъкидлаганидек, бугунги кунда Европа ва Марказий Осиёнинг кўп асрлик "Буюк Ипак йўли" мероси яна бирлаштирмоқда ва биз буни замонавий, узоқ муддатли ҳамкорликка айлантириш ниятидамиз.

Давроке, бугунги дунёда хавфсизликка оид муаммолар ҳам ортиб бормоқда ва бу таҳдидлар трансчегаравий тусига эга. Ҳеч бир минтақа бу хавфдан холи эмас. Шунинг учун икки томонлама, минтақавий ва халқаро даражада ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш зарур.

Хавфсизлик бугунги кунда нафақат минтакавий, балки глобал микёсда устувор аҳамият касб этмоқда. Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи умумий таҳдидлар — терроризм, экстремизм, трансмиллий жиноятчилик, наркотрафик ва киберхавфга қарши биргаликда ҳаракат қилиш заруратини яхши англаб етган. Шавкат Мирзиёев минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳар доим Марказий Осиё мамлакатлари учун энг устувор вазифалардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолишини айтди.

Шундай экан, давлатимиз раҳбари Украина атрофидаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича музокаралар жараёни бошланганини оқинлайди ва тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Афғонистон тинч ривожлантириш масалаларида сиёсий маслахатлашувини давом эттиришга тайёрлигимиз алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари жаҳон ҳамжамияти ушбу мамлакат ҳудудидан келиб чиқадиган

барча таҳдидларни етарлича баҳолай олмаётганини ҳусусида ҳам сўз юритди. Умуман, Ўзбекистон томони қўшни халқ — афғон томонини минтакавий иқтисодий жараёнлар, жумладан, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга ижтимоий соҳани қайта тиклаш йўли билан фаол жалб этиш зарур, деб билади.

Марказий Осиё иқтисодий қудратга эга минтақа сифатида жаҳонда ўз ўрнига эга. Биргаликда беш мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 500 миллиард доллардан ортиқ бўлиши мумкин. Қозғистон — уран қазиб чиқариш бўйича дунёда илгор. Ўзбекистон — олтин ва пахта ишлаб чиқаришда етакчи. Туркменистон — газ бўйича гигант. Қирғизистон ва Тожикистон — гидроэнергетика лидерлари. Агар бу ресурслар ягона иқтисодий тизимга биришлса, умумий бозор, инвестиция, транспорт йўналишларининг аҳамияти бекиёс ортади.

Самарқанд саммити — фақат дипломатик воқеа эмас, балки ҳар бир фуқаро ҳаётига ижобий таъсир кўрсатувчи барқарор тараққиётнинг янги даврини бошлаб берувчи стратегик тадбирдир.

Бутун Ўзбекистон дунёга,



Глобал муаммолар ечими

Имомназар ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Парламентлараро Иттифоқ ассамблеясининг юртимизда ўтказилаётганининг ўзига яраша сабаблари бор. Энг аввало, кейинги саккиз йилда Ўзбекистон очик, конструктив ва прагматик ташки сиёсатни амалга ошириб, нафақат қўшни давлатлар, балки халқаро ҳамжамият билан ҳам яқин мулоқот ўрнатди. Мамлакатимиз Олий Мажлиси сўнгги йилларда турли давлатлар парламентлари билан алоқаларни кучайтириб, янги қонунчилик ташаббуслари ва демократик институтларни мустаҳкамлаш йўналишида катта қадамлар қўймоқда. Қолаверса, халқаро тадбирларни ҳар томонлама юқори савияда ўтказишда Ўзбекистон яхши тажриба тўплади. Шу боис Парламентлараро Иттифоқ ўзининг нуфузли йиғинини айнан Тошкентда ўтказишни мақсад қилган десак, янглишмаган бўламиз. Бу — нафақат юртимизга билдирилган ишонч, балки Ўзбекистоннинг халқаро майдонда тобора муҳим ўрин эгаллаётганидан далолатдир.

Айтиб ўтиш кераки, бундай кенг қўлмил тадбирни ўтказишдан олдин Парламентлараро Иттифоқ вакиллари келиб, барча шароитни ўрганди. Энг муҳими, анжуман ўтадиган мамлакатда эркин ва демократик муҳит учун хавфсиз шароитлар яратилган бўлиши лозим. Шу нуктаи назардан, тинчлик барқарор Ўзбекистон ҳар томонлама муносиб манзил сифатида танланди. Бу мамлакатимизда давлат раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар, демократик жараёнларни ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатлар юксак баҳоланаётганини ҳам кўрсатади.

Ассамблеянинг яна бир муҳим жиҳати шуки, ушбу йирик тадбир мамлакатимиз учун бир нечта стратегик имкониятларни тақдим этади. Анжуман доирасида қўллаб-қувватлаш ва қўп томонлама учрашувлар, жумладан, нафақат сиёсий, балки иқтисодий мулоқотлар ўтказилмоқда. Бу мамлакатимизнинг инвестициявий муҳити ва иқтисодий ислохотларини халқаро арендада кенг тарғиб қилиш имконини беради.

Ассамблеянинг туркум йиғилишларида қатор долзарб масалалар, хусусан, меҳнат бозорига тенг имкониятлар яратиш, ижтимоий ҳимоя тизимини тақомиллаштириш ва камбағалликнинг асл сабаблари билан курашиш чоралари муҳокама марказида бўлади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва камбағалликни қисқартириш масаласи ҳам атрофлича муҳокама этилди. “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” мавзуси парламентларга энди фақат қонун қабул қилувчи эмас, балки ижтимоий ўзгаришларни амалга оширувчи, камбағалликни қисқартириш, тенг имкониятлар яратиш, инсон қадрини улуғлашда ташаббускор сиёсий субъект сифатида қаралиши кераклигини таъкидлайди.

Тан олиш кераки, бугун дунёда коррупция, суд тизимидаги муаммолар ва ҳуқуқбузарликларга нисбатан жазо тизимининг заифлиги тараққиётга тўсиқ бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб, анжуманда адолатли суд тизимини шакллантириш, давлат бошқарувида шаффофликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш бўйича халқаро тажрибалар ўрганилади. Нуфузли анжуманда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро механизмлар ва уларнинг амалий самараси ҳам муҳокама этилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, янги тахрирдаги Конституциямиз орқали парламентимиз палаталарининг биргаликдаги ҳамда алоҳида ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Парламентлараро Иттифоқнинг асосий вазифаларидан бири ҳам айнан парламент демократиясини ривожлантириш саналади. Шу боис ушбу ташкилот билан ҳамкорлик алоқаларининг кенгайиши мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоҳангдир. Қолаверса, ассамблея доирасида Ўзбекистондаги сайлов тизими, қонунчилик фаолияти, фуқароларнинг иштироки каби мавзулар муҳокама қилиниши ва халқаро стандартларга мос равишда янада тақомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишни кўзда тутилган. Бу ташкилот нафақат парламентлар ўртасида мулоқот ва ҳамкорлик учун самарали майдон, балки инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик, иқлим ўзгариши, ёшлар масалалари каби глобал муаммоларга парламентлар орқали ечим топишга қаратилган муҳим сиёсий платформа ҳамдир.



Тажриба алмашиш учун имконият

Хушвақт ҲАЙИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Давлатимиз раҳбари Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеясидаги нутқида бугунги кунда янги Ўзбекистон ортага қайтмас демократик ислохотлар ва прагматик ташки сиёсат йўлидан дадил қадам босиб, дунё ҳамжамияти билан очик ва жадал мулоқот олиб бораётганини таъкидлади. Айниқса, миллий парламенти-мизда хотин-қизларнинг улуши бугунги кунда 38 фоизга етгани, мазкур кўрсаткич Парламентлараро Иттифоқ томонидан юксак эътироф этилиб, Осиё минтақасида сўнгги ўттиз йилда энг юқори ўсиш сифатида баҳолангани айтилди.

Дарҳақиқат, бугун дунёнинг қўллаб-қувватлари мамлакатимиздаги демократик ўзгаришларни қўллаб-қувватлайди ва кенг эътироф этади. Булардан бири инсон қадрини улуғлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва гендер тенгликни таъминлаш масаласи-дир. Айтиш жоизки, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг қадр-қиммати-ни улуғлаш давлат сиёсатида муҳим қисмга айланди.

Ҳозирги вақтда аёл-қизларимизнинг давлат бошқарувида, сиёсатда, ижтимоий соҳанинг барча йўналишида, қурилиш ва саноатда, тадбиркорликда, қўйинги, барча соҳа ва тармоқларда эркаклар қаторида барабар фаолият олиб бораётганини кўришимиз мумкин. Жумладан, бугунги кунда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 45 фоизга, сиёсий партиялар таркибида эса 49 фоизга етди. Вазир ва вазирга тенглаштирилган лавозимларда хотин-қизлар улуши 2018 йилда қарийб 3 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган даврда икки ярим баробар ошиб, 7,7 фоизга етгани эътиборли. Вазирлик ва идоралардаги ходимларнинг 49 фоизи хотин-қизлардир.

2024 йилги сайловлар натижасида Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 57 нафарини ёки 38 фоизини аёллар ташкил этгани минтақадаги энг юқори кўрсаткич бўлди. Сенат аъзоларининг қарийб 27 фоизи ёки 16 нафари, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг 32,6 фоизи хотин-қизлар бўлди. Натижада халқаро рейтинг-да парламентдаги хотин-қизлар салмоғи бўйича Ўзбекистон дунёдаги 193 та давлат ўртасида 49-ўриндан 34-ўринга кўтарилди.

Шунингдек, хотин-қизларимиз тиббиёт соҳасида 75 фоиз, таълимда 71 фоиз, иқтисодиёт ва саноат йўналишида 47 фоиз, қишлоқ



дир. Айтиш жоизки, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг қадр-қиммати-ни улуғлаш давлат сиёсатида муҳим қисмга айланди.

Ҳозирги вақтда аёл-қизларимизнинг давлат бошқарувида, сиёсатда, ижтимоий соҳанинг барча йўналишида, қурилиш ва саноатда, тадбиркорликда, қўйинги, барча соҳа ва тармоқларда эркаклар қаторида барабар фаолият олиб бораётганини кўришимиз мумкин. Жумладан, бугунги кунда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 45 фоизга, сиёсий партиялар таркибида эса 49 фоизга етди. Вазир ва вазирга тенглаштирилган лавозимларда хотин-қизлар улуши 2018 йилда қарийб 3 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган даврда икки ярим баробар ошиб, 7,7 фоизга етгани эътиборли. Вазирлик ва идоралардаги ходимларнинг 49 фоизи хотин-қизлардир.

хўжалиги тармоғида 43 фоизни ташкил этмоқда.

2020 — 2024 йилларда 8 минг 653 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосида ўқиш бахтига эришди. Хар йили беш йиллик меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотли бўлмаган 500 нафар хотин-қизга қўмита томонидан тавсияномалар бериш тизими орқали уларнинг олий таълим муассасаларига тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилиниши йўлга қўйилди. 2022 — 2024 йилларда 1 минг 256 нафар хотин-қиз ушбу имтиёз орқали олий таълимга ўқишга кирди.

Шунингдек, давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқийтган хотин-қизларнинг шартнома тўловлари қўллаб-қувватлангани ҳам эътиборга молик. Олийгоҳ, техникум ва коллежларда кундузги таълимда ўқийтган хотин-қизларга бундай тўлов учун 7 йилга фоизсиз кредит бери-



лиши жорий этилди. Натижада 181,5 мингдан зиёд талаба хотин-қизларга 7 йил муддатга фоизсиз таълим кредити ажратилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар келгусида ҳам давом эттирилади. Бу эса юртимизда инсон капиталини ривожлантириш орқали барқарор ривожланишга эришишга хизмат қилади.

Ассамблея доирасида ташкил этилган аёл парламентарийлар форуми ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар қўламини кенгайтиришга йўл очади. Зеро, анжуман бутун дунёдан юқори мартабали меҳмонлар, шу жумладан, парламент спикерлари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, етакчи сиёсатчиларни жамлади. Бу Ўзбекистоннинг халқаро сиёсатдаги нуфузини янада мустаҳкамлашга шароит яратади. Шунингдек, ассамблея доирасида қўллаб-қувватлаш ва қўп томонлама учрашувлар ўтказилиши натижасида иштирокчилар қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш ва бошқа йўналишларда тажриба алмашиш учун қулай имкониятга эга бўлади.

Осиё минтақаси ва қитъалар ўртасидаги кўприк

Муҳаммад Ризо МАЖИДИЙ,
Осиё Парламент Ассамблеяси Бош қотиби:

— Парламентлараро Иттифоқ 150-ассамблеяси Марказий Осиё минтақасида, айнан Ўзбекистонда бўлиб ўтаётгани эътиборга молик. Ишончли муҳим, бу йиғилиш Ўзбекистон парламентининг нафақат миллий ва минтақавий, балки халқаро микёсдаги фаолиятида ҳам муҳим асос бўлади.

Муҳими, бу — Осиёда парламентлараро дипломатия орқали қўп томонлама ҳамкорлик йўлидаги биринчи қадамдир. Биз учрашув давомида Осиёдаги турли парламентларга икки ва қўп томонлама муносабатларни ривожлантиришга ёрдам берувчи масалаларни ҳам кўтардик.

Фурсатдан фойдаланиб айтишим



жоиз, мен яна бир бор Ўзбекистонга сафар қилганимдан гоят мамнунман. Бир муддат аввал Тошкент, Самарқанд ва Бухорода бўлганман. Ҳар бир ташрифимда бу юртнинг нафақат ижтимоий, балки маданий ва иқтисодий тараққиётига гувоҳ бўлялман.

Умид қиламанки, Парламентлараро Иттифоқнинг бу галги Ўзбекистондаги сессияси ушбу мамлакат ва жамиятнинг ривожланишини, ижтимоий тараққиётини бутун дунёга намойён қилади.

Ижтимоий тараққиётга оид мавзулар жамиятларимиз учун низоҳатда муҳим, чунки ҳали ҳал қилишимиз керак бўлган турли масалалар мавжуд. Бу борада Осиё парламентлари ва бошқа қитъалардаги парламентлар ўртасида тажриба алмашиш низоҳатда зарур.

Ишончли муҳим, Тошкентда ўтказилган ушбу учрашув натижалари халқларимиз тараққиётига хизмат қилади.



Тинчлик ташаббуслари эътирофга сазовор

Нелли КАСУМБА,
Замбия Миллий ассамблеяси Спикери:

— Ушбу ассамблеянинг асосий мавзуси — тараққиёт ва ижтимоий адолатни ривожлантириш. Зотан, парламентларнинг вазифаси фақат қонунларни қабул қилиш ва назоратни амалга оширишдангина иборат эмас, балки парламент дипломатияси орқали глобал жараёнларга таъсир кўрсатишдир. Парламент аъзолари халқ номидан иш юритгани учун уларнинг овози кучли. Шу боис улар бу масъулиятни ҳам ҳис этишлари керак.

Бу галги анжуман ҳам дунё микёсда муҳим бўлган муҳокамаларга бой бўлишига иймоним комил. Умуман олганда, юртингизда бўлишдан гоят мамнунман. Чунки мамлакатингиз гўзал ва мафтункор экан.

Аёнки, Парламентлараро Иттифоқ ассамблеясига мезбонлик қилиш учун давлатлар ўз номзодларини илгари сурар экан, аввало, танланаётган мамлакатда эркин ва демократик муҳит учун хавфсиз шароитлар яратилган бўлишига катта эътибор қаратилади. Шу маънода, Ўзбекистон 150-юбилей ассамблея учун муносиб номзод сифатида қабул қилинди. Бу мамлакат раҳбарияти олиб бораётган ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб эътироф этилаётганининг далолатидир.

Ўзбекистон Президенти халқаро минбарларда давлатларни тинчлик ва бирдамликка даъват этади. Қисқа муддатда Марказий Осиё мамлакатлари орасида яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатди. Бу ҳам юртингизнинг айнан Парламентлараро Иттифоқ ассамблеяси учун муносиб мезбонлигини тасдиқлайди.



— Ушбу ассамблеянинг асосий мавзуси — тараққиёт ва ижтимоий адолатни ривожлантириш. Зотан, парламентларнинг вазифаси фақат қонунларни қабул қилиш ва назоратни амалга оширишдангина иборат эмас, балки парламент дипломатияси орқали глобал жараёнларга таъсир кўрсатишдир. Парламент аъзолари халқ номидан иш юритгани учун уларнинг овози кучли. Шу боис улар бу масъулиятни ҳам ҳис этишлари керак.

Демократик бошқарув йўлидаги дадил қадам

Равшан ФОЗИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Давлатимиз раҳбарининг анжумандаги нутқида дунёдаги можароларни ҳал қилиш, иқлим ўзгариши, ижтимоий ҳимоя ва сунъий интеллектдан фойдаланиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Тўғриси, Президентимиз томонидан илгари сурилган фикрлар, ташаббус ва тақлифлар мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият ўртасидаги обрў-эътиборини янги поғонага кўтарди, барча бирдек зўр қизиқиш билан тинглади.

Чуқур таҳлил қилиб, эътибор берсак, ушбу ташаббуслар қамров ва микёси жиҳатидан жуда кенг. Улар фақат миллий ёки минтақавий эмас, балки бутун жаҳон ҳамжамияти манфаатларини ўзида акс эттиргани билан алоҳида эътиборга молик.

Давлат раҳбари сўнгги ўттиз йилда жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳажми 4,5 баробарга ортган бўлсада, инсониятнинг камбағал қатламлари даромадлари деярли ўзгармаганига эътибор қаратади. Бу тенденция сақланиб қолса, 2030 йилга бориб, дунё аҳолисининг 575 миллион нафари қашшоқликда умр кечириши, 84 миллион бола эса таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлишини қайд этди. Юртбошимизнинг ушбу фикрлари халқаро жамоатчилик томонидан зўр эътибор билан қарши олинди.

Ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз, сўнгги йилларда давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, аҳолини камбағалликдан қичариш, даромадини ошириш, тадбиркорларни фаол қўллаб-қувватлашга эътибор низоҳатда кучайди. Умуман, камбағалликни қисқартириш умумийлиги ҳаракатга айланди.

Натижада Ўзбекистон иқтисодиёти 2024 йилда 6,5 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулоти қарийб 115 млрд. долларга етди. Бу, албатта, Юртбошимизнинг жуда катта сиёсий иродасидан далолат, янги Ўзбекистон ўз йўлидан тўғри ва дадил одимлаётганини кўрсатади.

Президентимиз ўз нутқида жаҳонда юз бераётган бугунги глобал ўзгаришлар Парламентлараро Иттифоқ ва миллий парламентлар олдида янги-дан-янги вазифаларни қўймоқда, дея таъкидлади ва олтига масалага алоҳида тўхталиб ўтди. Ушбу муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлган ташаббуслар парламентлар вакиллари томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди. Чунки улар нафақат Ўзбекистон манфаати, балки жаҳон ҳамжамиятига ижобий ва барқарорлаштирувчи руҳда таъсир этиши аниқ.

Мазкур ташаббус жаҳоннинг турли минтақаларидаги низоларни ҳал этиш, иқлим ўзгариши, хотин-қизлар ҳуқуқлари, ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, ҳар бир инсоннинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва ҳозирги кунда барча жабҳага кенг қирғи келаётган сунъий интеллект соҳасида тизимли ҳамкорликни кучайтириш масалаларини ҳам қамраб олган.

Нутқда, шунингдек, мамлакатимизда кучли ва масъулиятли парламентни барпо этиш, самарали парламент дипломатиясини таъбиқ қилиш учун кенг шароитлар яратилгани таъкидлаб ўтилди. Бу борадаги тажрибалар баҳам кўрилди, дейиш мумкин.

Чиндан ҳам, кейинги йилларда парламентимиз анча ўзгарди. Жонли эфирлар, ҳаётий савол-жавоблар кучайди. Парламент назоратини амалга ошириш, қонунчилик тақлифларини илгари суриш тартиби, қабул қилиш жараёни тақомиллашди.

Албатта, буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг демократик бошқарув йўлидан дадил одимлаётганини аңглатади. Ушбу нуфузли тузилма ўзининг юқори органи — ассамблеяни парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий тажрибаси мавжуд бўлган мамлакатларда ўтказиши ҳам мамлакатимиз парламенти етарли салоҳиятга эгаллигини ифода этиб турибди.

Самарали мулоқотлар учун қулай платформа

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Дунё ҳамжамиятида рақобатбардош меҳнат ресурслари қўпайиб бораётган ва иқтисодий жиҳатдан тезкор ўсаётган минтақа — Марказий Осиё, десак, айна ҳақиқат. Умумий ўзгаришлар орасида минтақа парламентларининг ўзаро ҳамкорлигини ишончли ва янги стратегик даражага кўтариш билан боғлиқ йўналишида ҳам катта ютуқлар қузатишмоқда. Ўзбекистон мезбонлик қилаётган тадбирнинг негизига ҳам минтақамизда яратилган янги муҳит, янги истиқболларга эришишга қатъий қадамлар қўйилаётган ҳаракатлар мужассам, десак, муболаға бўлмайди. Бежиз эмаски, ушбу ассамблея Ватанимиз ва хорижда ўзига катта эътибор жалб қилмоқда ва чуқур қизиқиш билан қузатиб бориляпти.

Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик, ишонч муҳитининг яратилиши ҳамда иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланишда Президентимизнинг кейинги йиллар-

даги бир қатор нуфузли халқаро анжуманларда илгари сурган ташаббусларнинг аҳамияти катта.

Глобал инновациялар, рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ва янги ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши қонун ижодкорлиги фаолиятига янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Шу нуктаи назардан, халқаро тадбир кун тартибида инсон ҳуқуқи, гендер тенглик, иқлим ўзгариши, ёшлар ва аёллар фаоллиги, тинчлик ҳамда хавфсизлик, БМТ билан ҳамкорлик ва парламентлараро шериклик каби долзарб йўналишлар қамраб олинган.

Бу каби саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистонда қонунчилик фаолиятининг янги босқичда ривожланиши мамлакатимизнинг



9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

ОҚИЛА, ИСТЕЪДОДЛИ ВА ЖАСУР

Кўплаб фазилатларни ўзида жамлаган темурийлар даври хотин-қизлари

Темурийлар даври сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида хотин-қизлар алоҳида ўрин тутган ва айрича иззат-эътиборга лойиқ қўрилган. Етакчи аёллар эл-юрт манфаати учун кўп хайрли ишларни бажаришган. Мисол учун, кишилиқ тарихидаги энг танилган аёллардан саналмиш Сароймулкхоним салтанат ва жамият бошқарувида буюк Амир Темурга доно маслаҳат бера оладиган зукко сиймо бўлган. Шу боис унга, ҳатто эркак амалдорларга ҳам лойиқ қўрилмаган маком — олий ҳукмдорга муҳим ва қалтис вазиятларда хабар етказиш, чет эллик сиёсатчилар билан учрашиш, ҳукмдор ва фарзандлари, амирлар билан муносабатлар юритиш ҳуқуқи берилган.

Шунингдек, Шоҳруҳ саройининг бош хоними Гавҳаршодбегимда ҳам бир қанча имтиёзлар мавжуд бўлиб, саройга келган меҳмонларни кутиб олиш, кузатиш, тўй маросимларини ўтказиш унинг зиммасида эди. Хонимнинг ҳатто валиаҳд масаласига аралашгани, эрининг вафотидан кейинги йиллар сиёсий жараёнларда анча фаоллиқ кўрсатгани ҳам яхши маълум.

Яна бир муҳим жиҳати, темурий шаҳзодалар тарбиясида маликаларнинг ўрни алоҳида бўлган. Амир Темур даврида бундай масъулиятли иш бош маликаларга юклатилган. Сароймулкхоним Шоҳруҳ, Халил Султон, Улуғбек, Туман Ого, Иброҳим Султон таълим-тарбияси билан шуғулланган, шунингдек, бўлажак ҳукмдорлар ҳарбий

машғулотларига бош-қош бўлган.

Маликалар фаолиятини очиб берадиган яна бир асосий қирра уларнинг қурилиш ва ободончилик ишларига қўшган салмоқли улушлари билан боғлиқ. Масалан, Сароймулкхоним сайй-харакатлари билан Самарқандда олий даражадаги бино — мадраса қурилган. Шоҳи Зинда мажмуасида Туман Ого барпо этирган макбара ва масжид бор. Шунингдек, у Шоҳруҳ даврида Қусавия шаҳарчасида мадраса, хонақоҳ ва рабоб қурдиргани ҳам маълум. Гавҳаршодбегим Машҳадда жоме масжиди, Хиротда масжид, мадраса, макбара, хонақоҳ қурдириб, мусалло мажмуасини шакллантирган. Унинг Машҳадда қурдирган жоме масжидини қўриб илҳомланган Шоҳруҳ уч минг мисқол тиллодан ишланган қандил-

ни масжидга совға қилган ва унинг ёнида сарой ҳамда боғ қуришни буюрган. Гавҳаршодбегим мадрасаси ўз даври ва кейинги замонлар учун ҳам йирик илм-маърифат маркази ҳисобланган.

Шоҳруҳнинг хотини Малика Ого ва Султон Хусайннинг хотини Зубайда Ого хонақоҳ, Султон Абу Саъиднинг хотини Ҳабиба Султон макбара қурдирган. Шунингдек, Туман Ого, Малика Ого, Султон Ого ҳамда Хоним Султонбегим мадрасалар қуришга пул ажратган. Ушбу илм масканларининг моддий жиҳатдан бекамму кўст бўлиши учун қишлоқлар, ер мулклари, ариқлар, дўконлар ва тегирмонларни вақф қилиб берган.

Қисқача айтганда, Самарқанд, Хирот, Машҳад ва яна кўплаб шаҳарлар айнан темурий маликалар ҳомийлиги остида гўзаллашиб, ободонлашиб борган.

Темурийлар даври шеърятининг юксалишида хотин-қизларнинг ҳам ўз ўрни бор. Айниқса, бу даврда туркий тилда ижод қилувчи шоирлар кўпайган.

Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” (“Нафис мажлислар”) асарига тилга олинган Меҳрий Хиротда яшаган шоира бўлиб, унинг турмуш ўртоғи

Хожа Абдулазиз Шоҳруҳ саройида табиблик лавозимида ишлаган. Ниҳоятда гўзал бўлган Меҳрий окўнгил, ойдинфир, истеъдодли, ширинсўз ва ҳозиржавоб бўлгани учун малика Гавҳаршодбегимнинг яқин сўхбатдошига айланган.

Шунингдек, шоирларнинг ўқимишли оилаларда тарбия топганини ҳам диққатдан четда қолдириб бўлмайди. Масалан, Жамолий Хиротнинг машҳур шоирларидан Мавлоно Бадриддин Ҳилолийнинг қизи эди. Биби отун эса Ҳаёт Хиротий номи билан машҳур, суфий ва шоир шайх Озарийнинг авлоди бўлиб, хиротлик шоир Мавлоно Бақога турмушга чиққан.

Қайд этиш жоизки, момоларимиз юртни қўриқлаш, ёвга қарши курашиш бобида эркаклардан кам бўлмаган, хусусан, найза улоқтириш, қилич билан жанг қилиш, ўқ отишда йигитлардан қолишмаган. Тарихчи Ибн Арабшоҳ Амир Темур кўшинида аёллардан иборат бўлинмалар бўлганини алоҳида ургулайди. Буни Амир Темур, Шоҳруҳ, Мироншоҳ, Абу Бакр хизматларини қилган немис Йоханнес Шилтбергер ҳам ўз эсдаликларида тасдиқлаган ва

хотин-қизлар урушга кетишда қилич ва ёй осиб юрганини ёзган. Хусусан, Соҳибқироннинг шаддодлиги ва ботирлиги билан танилган қизи Султон Бахтбегим кўпинча отда юриб, жанг кийимлари кийишни канда қилмаган.

Ўзбек давлатига элчи бўлиб келган европаликларни лол қолдирган жиҳатлардан яна бири — хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи, уларнинг эркин фикрлаши, ифбатлилиги, оиласига содиқлиги, чиройли ва нафис кийимлар кийиши, ақл-заковатлилиги билан боғлиқ.

Шонли ўтмишимизда хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрнига оид ибратли ва мақтаса арзигулик ҳолатлар етарли даражада бўлган. Очиги, ушбу мавзунини юзага чиқариш имкони энди-энди туғилмоқда. Демак, уни илмий жиҳатдан янада кенг-роқ ўрганиш ва қимматли мерос ўлароқ юртимиз ва олам аҳлига етказиш бизнинг галдаги бурчимиздир.

Фарида СУЛТОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академиясининг
Тарих институти кичик илмий
ходими.

Реклама

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ:

РАҚАМЛАШТИРИШ ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 5 март куни ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида банк тизимида рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш орқали шаффоф молиявий муҳит яратишга эришилаётганлиги таъкидланиб, бу борадаги ишларни янада ривожлантириш муҳимлигига эътибор қаратилди. Иштиш жоизки, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ҳам мазкур йўналишда ишлар жадал олиб борилапти ва қатор ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

SANOAT QURILISH BANK

Шу йилнинг 3 апрель куни “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ: рақамлаштириш — очиклик ва шаффофликни таъминлашда янги босқич” мавзuida ўтказилган матбуот анжуманида шу каби қатор ўзгаришлар ва истиқболда амалга оширилиши мўлжалланаётган лойиҳалар ҳақида фикр юритилди.

Тезкор ва қулай хизмат тури

Банк тизимида рақамлаштириш нафақат тезкор ва қулай хизмат кўрсатиш, балки коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаси сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Шу мақсадда банк етакчи халқаро молия институтлари, жумладан, Халқаро молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.

Натижада қатор инновацион ечимлар амалиётга жорий этилмоқда. “SQB Mobile” ва “SQB Business” иловалари ишга туширилгани ҳам фикримизнинг яққол тасдиғидир. Ҳозирги кунда 1,8 млн. жисмоний шахс ва 27 мингдан ортқ юридик шахслар айна хизматлардан кенг фойдаланаётди.

Кредит ажратишнинг марказлаштирилган андеррайтинг тизимини жорий қилиш ҳисобига жисмоний шахсларнинг кредит ҳужжатлари қўриб чиқиши 1 соатдан 5 дақиқага, юридик шахсларники эса 1 кундан 1 соатга қисқартирилди. Эътиборлиси, кредит ажратиш жараёнини рақамлаштириш ва автомат-



лаштириш ҳисобига коррупцион ҳолатларнинг олди олинди, бюрократик тўсиқлар бартараф этилди. Халқаро пул ўтказмалари соҳасида “SWIFT GPI-трекинг” ва “SWIFT Payment Controls” хизматлари орқали шаффофлик ва хавфсизлик таъминланди. “СРОББ” электрон декларация тизими йўлга қўйилган ҳодимларнинг манфаатлар тўқнашуви бўйича декларация топшириши автоматлаштирилди. Бундан ташқари, харид жараёни иштирокчилари — контрагентларни текшириш доирасида 20 та ҳолатда харид жараёни тартиб-таомиллари бузилиши хавфи аниқланиб, банк манфаатларига 66,7 млрд. сўм зарар етказилишининг олди олинди.

Тадбиркорлик субъектлари билан боғлиқликни аниқлаш бўйича махсус дастур (модул) яратилгани ҳам миқозларга қулайлик туғдиrhoқда. Бу орқали банк ҳодимларининг корхоналар устас капитали ва бошқарувидаги иштироки доимий мониторинг қилиб борилмоқда.

Коррупцияга қарши кураш — устувор вазифа

Коррупцияга қарши ички назорат тизимини кучайтириш мақсадида қатор муҳим чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, молия муассасасида Коррупцияга қарши курашиш хизмати ташкил

этилиб, унга мустақил назорат ваколати берилди. Банк халқаро стандартларга мувофиқ ISO 37001-2016 антикоррупция сертификатига эга бўлгани ҳам муҳим янгиликдир. 30 нафар ходим Халқаро комплаенс ассоциацияси (ICA, Буюк Британия) курсларини тугатиб, халқаро даражадаги сертификат олди. Шунингдек, 3 минг 710 нафар ходим манфаатлар тўқнашуви бўйича текширувдан ўтказилди ва аниқланган ҳолатлар бартараф этилди.

Энг муҳими, банкнинг очиклик индекси 2023 йилда 78,1 балл (2022 йили — 71,1 балл) даражага етди. 2023 йилда банк коррупцияга қарши кураш самардорлиги бўйича 88 балл тўплади.

Шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида журналистлар ва блогерлар иштирокида “Очиқ эшиклар кун” тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу ахборотларни кенг жамоатчиликка етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги технологиялар истиқболи

Матбуот анжуманида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ рақамлаштириш, комплаенс назорат тизимини мустаҳкамлаш ва инсон омилини камайтириш орқали очик, шаффоф ва самарали банк тизимини шакллантириш йўлида қатта қадам ташлаётгани қайд этилди. Бу йўналишда сунъий интеллект ёрдамида рискларни бошқариш, кредит хавфларини камайтириш ва муаммолар кредитлар улушини 20 — 30 фоизга қисқартиришга эришилмоқда.

Хусусан:

- Call-марказ фаолиятига сунъий интеллект (овозли AI ёрдамчиси)ни жорий этиб, хизмат кўрсатиш харажатларини 20 — 30 фоизга камайтириш;
- кредит бериш жараёнини тўлиқ автоматлаштириш, ҳужжатларни текшириш вақтини кескин қисқартириш;
- жисмоний шахслар таъсисчиси бўлган корхоналарнинг кредит тарихи “қоникарсиз”, “шубҳали” ёки “умидсиз” деб таснифланса, уларга кредит ажратишда автоматик тўқинлик (stop фактор)ни ишга тушириш;
- “SQB Business” ва “SQB Mobile” иловалари орқали банк хизматларини кенгайтириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ушбу сайй-харакатлар банк фаолияти очиклигини таъминлаш, коррупциянинг олдини олиш ва миқозлар учун янада қулай шaroитлар яратишга хизмат қилади.

Матбуот анжумани мулоҳаза ва муҳокамага бой тарзда ўтди, унда банк мутасадди раҳбарлари ОАВ вакиллари-дан тушган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.



Боксчиларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи

Бразилиянинг Форс-ду-Игуасу шахрида бокс бўйича жаҳон кубоги мусобақаси бўлиб ўтди.



“World Boxing” томонидан ташкил этилган ушбу мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли қатнашиб, 5 та олтин (-50 кг. Асилбек Жалилов, -75 кг. Фазлиддин Эркинбоев, -80 кг. Жавоҳир Умматалиев, -90 кг. Тўрабек Ҳабибуллаев, +90 кг. Жаҳонгир Зокиров), 2 та кумуш (-55 кг. Мирасизбек Мирзахалилов, -85 кг. Акмалжон Исроилов) ва 1 та бронза (-60 кг. Мадияр Данияров) медални қўлга киритди. Қувонарлиси, боксчиларимиз мазкур натижа билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Учтаси биттада

АҚШнинг Калифорния штатида сузиш бўйича “TYR Pro Swim Series” халқаро мусобақаси ташкил этилди. Ушбу беллашувда Ўзбекистон терма жамоаси вакили Илья Сибирцев фаол қатнашди.



Мусобақанинг 400, 800, 1500 метрлик масофаларга эркин усулда сузиш баҳсларида ҳамюртимиз уч бор кумуш медалга сазовор бўлди. Шунингдек, у 200 метрга эркин усулда сузиш мусобақасида ҳам иштирок этиб, маррага олтинчи бўлиб етиб келди. Маълумот учун, “Париж — 2024” Олимпия ўйинлари иштирокчиси Илья Сибирцев Иллинойсда (АҚШ) март ойда ўтган “TYR Pro Swim Series” мусобақасининг 200 метр масофага эркин усулда сузиш беллашувида шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олганди.

Саломатликка югуриш орқали

Кеча мамлакатимиз бўйлаб “Yangi Nafas” кенг қўламли оммавий югуришларнинг баҳорги босқичи старт олди.



Спорт ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар, Мактабча ва мактаб таълим вазирликлари, Божхона қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, шунингдек, вилоят ҳокимликлари ҳамкорлигида уюштирилаётган ушбу тадбир югуриш маданиятини тарғиб этиш ҳамда соғлом турмуш тарзини оммалаштиришни мақсад қилган.

Баҳорги босқичнинг муҳим тадбирларидан бири, бу — “Save Aral” хайрия югуриши бўлиб, у Оролбўйи худудидаги экологик муаммоларга эътибор қаратади. Унинг доирасида оммавий дарахт экиш каби экологик акциялар ҳам ўтказилади.

Марафоннинг дастлабки босқичлари Сирдарё ва Жиззах вилоятларида уюштирилиб, мамлакат бўйлаб 21 майгача давом этади.

«Халқ сўзи».

«ТРАСТБАНК» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки ўтган йиллар якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги ва навбатдан ташқари умумий йиғилишлари баённома қарорларига кўра, банкнинг оддий ва имтиёзли акцияларига ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида олмаган банк акциядорларидан дивидендларини олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни **жисмоний шахслар учун** — паспорт ёки ID картанинг асл нусхаси, СТИР нусхаси, банкда ҳисобварақ очилганлиги тўғрисида тасдиқнома нусхаси, **юридик шахслар учун**

— жамият устави нусхаси, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхасини (лицензия) тақдим қилган ҳолда, банкнинг бош офисига ёки ҳудудий филиалларига мурожаат этишини сўрайди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 6-боб 51-моддасига асосан **“Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд**

акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан жамият ихтиёрида қолади”.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга, хусусан, “Трастбанк” ХАБ бош офисига мурожаат этишингизни сўраймиз:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй,

тел.: 1287, 78-140-00-88.

Банкнинг электрон почта манзили: info@trustbank.uz

Расмий веб-сайти: www.trustbank.uz

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 13 529 нусxada босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; **қопибиёт** 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратта келган қўлазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахриратта марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.00 Топширилди — 05.25 1 2 3 4 5 6